

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**Акбарова Феруза**

**Мавзу: “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг маҳсулотлари ассортименти ва сотиш  
жараёнининг такомиллаштириш**

**Мутахассислик: 5230400 – “Маркетинг”**

**Бакалавр академик даражасини олиш учун**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий рахбар:**

**Иф.н. доцент Ғ. Мадияров**

**Наманган – 2015**

## МУНДАРИЖА

**Мавзу: “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг маҳсулотлари ассортименти ва сотиш жараёнининг такомиллаштириш.**

|                                                                                                              |           |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш.....                                                                                                   | 3         |
| <b>I боб. Маркетингда товар сиёсати моҳияти ва аҳамияти.....</b>                                             | <b>6</b>  |
| 1.1 Товар сиёсати ва унинг назарий асослари.....                                                             | 6         |
| 1.2. Товар ассортимент тушунчаси ва унинг гуруҳланиши.....                                                   | 11        |
| 1.3. Учқўрғон туманида саноатни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....                                        | 21        |
| <b>II боб. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг бозор фаолияти таҳлили.....</b>                                            | <b>32</b> |
| 2.1. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг бошқаруви ва унинг товарларини сотиш бўйича шартномавий муносабатлари.....       | 32        |
| 2.2. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сифати.                                            | 38        |
| 2.3. Корхона маҳсулотлари ассортименти ва уларни сотиш усуллари.....                                         | 53        |
| <b>III боб. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖда маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишни ўрганиш.....</b> | <b>57</b> |
| 3.1. Корхонада товар ассортиментини кўпайтириш омиллари.....                                                 | 57        |
| 3.2. Корхонада халқаро сифатни бошқариш имкониятлари.....                                                    | 61        |
| 3.3. Корхонада товарларни сотиш усулларини такомиллаштириш.....                                              | 64        |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                                           | <b>68</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>                                                                        | <b>70</b> |

## **Кириш**

**Битирув-малакавий иши мавзусининг долзарблиги.** Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат туфайли жадал ривожланиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Жаҳоннинг қўплаб мамлакатларида иқтисодий таназзул давом этиб келаётган бугунги шароитда, жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2014 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Президентимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтдилар:

“Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг усун мавжуд барча резрв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияларни давом эттиришга қаратилган. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотлардаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда...”<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг барча кўрсаткичлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлар бажарилди. Иқтисодиётнинг ривожланишида янги босқичга чиқилди. Жаҳон мамлакатларининг иқтисодиёти нисбатан паст суръатларда ривожланиб турган пайтда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар халқимизнинг ва мамлакатимиз

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори суръатлар билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади “Халқ сўзи” 2014 йил 18 январь

раҳбариятининг тинимсиз меҳнати ва саъй-ҳаракатлари эвазига эришилди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қатори саноат соҳаси ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида асосий омиллардан ҳисобланган ҳамда мамлакат иқтисодиётининг бошқа соҳалари ва тармоқларининг ривожланишига катта туртки берадиган саноатнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бошқа соҳалар ва тармоқларда бўлгани каби, саноат соҳасида ҳам, унинг турли тармоқлари ва корхоналарида ҳам модернизациялашга, техник-технологик янгиланишга эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларни амалга оширилиши ҳар бир саноат корхонасида маркетинг фаолиятдан кенг миқёсда фойдаланишни ва маркетинг фаолияти самарадорлигини ошириш орқали саноат корхоналарининг маҳсулоти ассортиментни кўпайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва бозордаги рақобатбардошлигини оширишни талаб қилади.

Саноат корхоналарида маҳсулот ассортиментини кўпайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш масалалари бугунги кундаги долзарб масалалардан бўлганлиги сабабли, уни битирув-малакавий ишига мавзу сифатида қабул қилинди.

**Мавзуни ўрганганлик даражаси.** Иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида корхоналар фаолиятида маҳсулотлари ассортиментни ва сотиш жараёнининг такомиллаштиришга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Ушбу мавзуни ёритишда хорижлик олимлар Л.Борисов., Ф.Котлер, Т.Линда, Ж.Ж.Ламбен, П.Друккер ва бошқалар, ҳамдўстлик давлатлари мамлакатлари олимларидан Б.Саловьев, Г.Л.Багиев, В.Тарасевич ва бошқаларнинг илмий ишларидан, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар С.С.Ғуломов, А.Солиев, А.Ш.Бекмуродов, М.С.Қосимова, И.Иватов, ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларидан фойдаланилди.

#### **Битирув-малака ишининг мақсади ва вазифалари.**

Битирув-малакавий ишининг мақсади “Учкўрғон-ёғ” ОАЖ нинг маҳсулотлари ассортиментни ва сотиш жараёнининг такомиллаштиришини

ўрганиш ва уни иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланди:

-Товар сиёсати ва унинг назарий асослари.

-Товар ассортимент тушунчаси ва унинг гуруҳланиши.

- Учқўрғон туманида саноатни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.

-“Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг бошқаруви ва унинг товарларини сотиш бўйича шартномавий муносабатлари.

- “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сифати.-

Корхона маҳсулотлари ассортимент ва уларни сотиш усуллари.

-“Учқўрғон-ёғ” ОАЖда маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишни ўрганиш.

- Корхонада товар ассортиментини кўпайтириш бўйича омиллар.

-Корхонада халқаро сифатни бошқариш имкониятлари.

- Корхонада товарларни сотиш усуллариини такомиллаштириш йўллариини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.**

-“Учқўрғон-ёғ” ОАЖ объекти бўлиб ҳисобланади.

Корхонада ишлаб чиқариш ассортиментини кўпайтириш ва сотиш жараёнининг такомиллаштиришини битирув малакавий ишининг предмети бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Бозор муносабатларига ўтишининг ҳозирги замон йўналишини белгиловчи асарлари, Президент фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бажарилаётган битирув малакавий иши бўйича мамлакатимиз ва чет эл олимлари ғоя ва концепциялари ташкил этади.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти** Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ривожлантиришда маҳсулотлар ассортименти ва сотиш жараёнининг такомиллаштиришини ўрганиш ва уни иқтисодий самарадорлигини ошириш бош масала ҳисобланади. Мазкур ишда ишлаб чиқариш ассортиментини кўпайтириш ва сотиш жараёнларини такомиллаштириш оид тавсиялар ишлаб чиқилган, “Учқўрғон-ёғ” ОАЖда уларни амалиётига тадбиқ этиш ижобий натижалар беради, деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқот ишининг ҳажми** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

# I БОБ. МАРКЕТИНГДА ТОВАР СИЁСАТИ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ.

## 1.1 Товар сиёсати ва унинг назарий асослари.

Корхонанинг товар сиёсатини самарали тарзда амалга оширишига иккита йирик муаммо тўсқинлик қилади. Биринчидан, корхона ўз ишини мавжуд товар номенклатураси доирасида, товарнинг ҳаётийлик даври босқичларини ҳисобга олган ҳолда рационал ташкил этиши, иккинчидан, бозордан чиқариб ташлаш ва ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш лозим бўлган товарлар ўрнига янги товарларни ишлаб чиқариш лозим.

Шу тариқа фирма товарлар ассортиментини тўзилишининг барқарорлиги, сотувнинг доимийлиги ва олинувчи фойданинг барқарор бўлишини таъминлаш учун ўз товар стратегиясига эга бўлиши ва уни мунтазам такомиллаштириб бориши лозим.



1-расм. Корхонанинг товар стратегиялари.<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Qosimova M.S., Ergashxodjaeva Sh.J. Strategik marketing. –Т.: О`qituvchi, 2004, -123 b.

Товар стратегияси олдиндан ишлаб чиқилади. У корхонанинг мавжуд товар микси жозибадорлигини ошириш бўйича уч хил стратегик йўналишини ўз ичига олиши мумкин (1-расм).

- *товар инновацияси;*
- *товар вариацияси;*
- *товар элиминацияси.*

Товар инновацияси стратегияси янги товарларни тайёрлаш ва жорий қилиш дастурини аниқлаб беради. Бироқ “янги товар” атамаси турлича талқин қилинади ҳамда мавжуд товарларни такомиллаштириш ёки янгилаш учун ҳам, истеъмолчиларга биринчи бор такдим этувчи мутлақо янги истеъмол маҳсулотларини тавсифлаш учун ҳам қўлланади. Инновациянинг аҳамияти ва вазифаларини тўғри баҳолаш зарур, чунки бунга товарни жорий қилишга доир таҳликаларни баҳолаш боғлиқ бўлади.

Товар инновациясини мавжуд маҳсулотга оид янги ғоялар олиш, шунингдек, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозорга олиб чиқиш жараёни сифатида тушиниш лозим.<sup>3</sup>

Товар инновацияси корхонанинг барқарор ва мустаҳкам фаолиятининг асоси ҳисобланади. Товар ассортиментини ўзлуксиз янгилаб туриш зарурати атроф – муҳитнинг ички ва ташқи омиллари билан асосланади:

*ички омиллар* – ишончли фаолият юритиш, ҳаражатларни камайтириш, ҳаратни тақсимлаш, ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлатиш, ходимларни иш билан таъминлаш зарурати;ъ

*ташқи омиллар* – техника ва технологияларнинг тараққиёти, ишлаб чиқариш кучлари ва сотув бозорининг ривожланиши, истеъмолчиларнинг товарга бўлган муносабатининг ўзгариши, рақобат ва рақобатчилик муносабатларининг доимий ўзгариб туриши. Товар инновацияси янги товар ишлаб чиқиш ва жорий қилишни назарда тутди ҳамда амалга ошириш шакли бўйича товар дифференциацияси ва диверсификациясига бўлинади.

---

<sup>3</sup> Qosimova M.S., Ergashxodjaeva Sh.J. Strategik marketing. –Т.: О`qituvchi, 2004, -124-125 b.

*Товар дифференциацияси* товарни рақобатчиларнинг товарларидан ажратиб турувчи бир катор модификацияларни ишлаб чиқиш жараёнини англатади.

Маркетингда товар дифференциацияси деганда товарни ишлаб чиқиш ва сотувга тайёрлаш, бозорга мавжуд товарларга қўшимча равишда янги товар турларини олиб чиқиш тушунилади. Дифференциация икки хил йўналишда амалга оширилиши мумкин: эътиборни ўз товарни имкониятларига (ўров материаллари ва нархнинг ўзгариши, иккиламчи бозорга чиқиш) қаратиш ва рақобатчилар такиф этувчи товар характерини (нарх, сотув канали, имижи ва ҳоказо) ҳисобга олиш.

Товар диверсификацияси корхонанинг товар сиёсатида алоҳида ўрин тутди. Бу стратегия корхона янги сотув бозорларига таклиф этишни режалаштираётган, қўшимча товарларни ишлаб чиқаришни бошлаган пайтда қўлланилади. Диверсификация корхона фаолияти барқарорлигининг ўсишини таъминлашнинг самарали воситаси сифатида хизмат қилади. Диверсификация ёрдамида корхона янги бозорлар учун янги товарларни таклиф қилиш туфайли оборотни қайта тиклаш ва фойда олишда яхши натижаларга эришиши мумкин.

Товар вариацияси аниқ мақсадга мўлжалланган мавжуд товардан фойдаланишда истеъмолчилик самарасининг фойдалилиги концепциясини ошириш стратегияси билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқарувчи нуқтаи назаридан вариация ҳаражатлар, товадан фойдаланиш самараси ва ҳаридорнинг хулқ-атвори ўртасида оптимал мутасоносибликни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан вариациянинг мақсади мавжуд ишлаб чиқариш дастурини тубдан ўзгартириш эмас, балки унга нисбатан кичик ўзгартиришлар киритиш ҳисобланади. Шу тариқа, товар ташқи кўриниши (фасохати) ва кўркемлигига янгиликлар киритиш ҳаридорнинг мазкур фирма ва товар маркаси тарафдори сифатида ишончини кучайтиришга қаратилиши лозим.

Товар вариацияси концепциясини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: киритилаётган янгиликнинг мавжуд товарга нисбатан устунлиги; янгиликни ҳаридорларнинг товарни истеъмол қилиш тажрибалари билан уйғунлаштириш, яъни янгиликнинг товарни истеъмол қилиш талаблари ва маданияти билан мос келиши; товарнинг ҳаддан ташқари мураккаблашуви уни истеъмолчилар томонидан тан олинishiга тўсқинлик қилиши сабабли товар такомиллашган сари унинг мураккаблашиш даражаси.

Самарали товар сиёсати корхонанинг товар номенклатураси ва ишлаб чиқариш дастурини доимий равишда назорат қилиш ва тартибга солиб боришни назарда тутди.

Маркетинг фаолиятининг ушбу соҳасида назоратни амалга ошириш корхонанинг бозордаги товар ассортиментини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш ва савдо ҳажми пасайишининг олдини олишга қаратилган. Бундай чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан аввал савдо ҳажмининг пасайиши, товарларнинг туриб қолиши ва фойданинг камайиши сабаблари батафсил ўрганилиши ва таҳлил қилиниши зарур. Товарнинг эскириши, истеъмолчилар таълабининг ўзгариши ва товар бозорида рақобатнинг кучайиши савдо ҳажмининг пасайишига объектив сабаб бўла олади. Бу сабабларни бартараф этиш қоидага кўrsa катта ҳаражатлар сарфланишини талаб қилади. Товар элиминацияси стратегиясининг вазифаси бозорда жозибадорлик нуқтайи назаридан шубҳали ва қайта аттестациядан ўтиши лозим бўлган товарларни аниқлашдан иборат. Бундай товарларни текшириш натижалари товарларнинг кейинги тақдирига (уларни товар номенклатурасида қолдириш ёки ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва бозордан олиб чиқиш) оид қарорларни қабул қилиш учун асос бўлади. Қарорларни тайёрлашда сотув дастурини тўлалигича ва бозордаги ҳар бир товар учун алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Элиминация стратегияси бозордан чиқиб кетиш ёки ишлаб чиқаришни умуман ёпиб ташлаш тўғрисида ўзил-кесил бир ёқлама қарор қабул қилишни англамайди. Қуйидагича қарорлар қабул қилиши мумкин: “эскираётган”

товарларни аниқлаш; пасайиш босқичида фирманинг фаолият юритишига доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; товарни (товарларни) номенклатурадан чиқариб ташлаш ва қолган ассортимент билан фаолиятни давом эттириш; товарни бозордан чиқариб ташлаш.

## **1.2. Товар ассортимент тушунчаси ва унинг гуруҳланиши.**

Бир қанча хусусиятлари бўйича бир-бирига ўхшаш турли товарлар йиғиндисида товарлар ассортименти дейилади. Товарлар ассортименти шаклланиши принципига қараб икки гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш ва савдо ассортименти. Товарлар ассортиментининг ҳажмига қараб оддий ва мураккаб ассортиментлик товарларга бўлинади. Оддий ассортиментлик товарларнинг турлари кўп бўлмайди. Кўпинча маданий хўжалик молларини ассортименти оддий бўлади. Масалан, холодильниклар катта-кичиклиги ва электро лампалар қуввати бўйича 12 турга бўлинади ҳолос. Совун, болға, дафтар ва шунга ўхшашларнинг тури бундан ҳам кам. Мураккаб ассортиментлик товарлар морфологик кўрсаткичлари бўйича кўп турларга бўлинади. Масалан пойафзаллар катта-кичиклигига қараб 43 турга, биргина эркалар тайёр кийими ўлчамига қараб 15 турга бўлинади. Бундан ташқари пойафзаллар ва кийимлар ва материаллар фасони пардози ва ишлатилиши шароитига қараб ҳар хил қилиб чиқарилади. Тикув кийимларининг ассортименти кенглиги 2500 га етиши мумкин. Трикотаж буюмларнинг прејскурантида 600 дан ортиқ кийим-кечак турлари учрайди. Хали тўлароққондириш мақсадида бундай товарлардан ихтисослаштирилган магазинларда сотилиши тавсия қилинган. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра бундай товарлар йирик универсал ёки ихтисослаштирилган магазинларда сотилганда харидорлар вақти 20-25 % га тежар экан.

Товарлар тузилиши мураккаблиги бўйича 3 гуруҳга бўлинади: маиший техник мураккаб, оддий ва содда товарлар. Техник мураккаб маиший товарлар мураккаб тузилишдаги учун сотишда махсус билиш талаб

қилинади. Буларга уй-хўжалик, машина ва асбоблари, фото кино, телефон ва радио электрон аппаратлар, транспорт воситалари, соатлар, чолғу асбоблари, ёзув электрон ҳисоблаш, ҳисоб хўжалик машиналари, газ плита ва бошқалар мисол бўла олади. Содда тузилишдаги товарлар деб, оддий асбоб-ускуналар ёрдамида чиқиндиларда ва маҳаллий хом-ашёдан ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган майда-чуйда маданий ва хўжалик молларига айтилади. Масалан, майда галантерия ва концевария товарлари ўйинчоқлар, овчилик анжомлари, ёдгорликлар, уй-рўзғор буюмлари шулар жумласидандир.

Булардан бошқа қолган барча товарлар эса оддий тузилишдаги товарлар гуруҳини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш ва савдо ассортиментини 3 та кўрсаткич бўйича баҳолаш мумкин: кенглик, тўлиқлик ва таркибий тузилиши.

Ассортиментнинг кенглиги товар турларининг сонини кўрсатади. Халқ истеъмоли тоарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат корхоналари кенг ассортиментда товарлар ишлаб чиқарадилар. Оғир ва маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқарган товарларнинг ассортименти тор бўлади.

Товар-мураккаб кўп қиррали тушунча, бироқ бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг ўз вазифасини бажариш-унга эга бўлган истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш хусусиятидир.

Товарнинг истеъмол қиймати унинг истеъмол хусусияти мажмуасидир.

Товарнинг қуйидаги хусусиятларига қараб алоҳида эътибор берилади:

-ранги, упаковки (ураш, боғлаш), ташқи кўринишининг фасоҳати (дизайни), эргономик хусусиятлари (фойдаланиш, таъмирлаш ва бошқаларнинг қулайлиги ва бошқалар).

Товарни ишлаб чиқаришдан олдин унинг истеъмол хусусияти таҳлил қилинади.

Товар-мураккаб кўп қиррали тушунча, бироқ бунда энг асосий нарса истеъмол хусусиятлари, яъни товарнинг ўз вазифасини бажариш - унга эга бўлган истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш хусусиятидир.

Товарлар қуйидаги мезонлари бўйича алоҳида гуруҳларга бўлинади:

- мақсадли кўрсаткич бўйича;
- бозор турига кўра;
- фойдаланишга тайёрлигига кўра;
- истеъмолчилар сонига қараб бўлинади.

Мақсадли ҳарактерига кўра эса товарлар истеъмол товарлари ва ишлаб чиқаришга оид товарларга бўлинади.

Истеъмол товарлари – бу шахсий истеъмол учун мўлжалланган товарлардир. Улар кундалик талаб товарлари, дастлабки танлов асосида олинadиган товарлар, алоҳида талабдаги товарлар, пассив талабдаги товарларга бўлинади.

Кундалик талаб товарларига кундалик турмуш учун зарурий озиқ-овқатлар, кир ювиш, тозалаш воситалари, уй хўжалиги учун зарурий майда товарларни киритиш мумкин.

Кундалик истеъмол товарларини истеъмол қилиш интенсивлигига кўра уларни ўз навбатида 3 та қуйи гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Доимий эҳтиёждаги асосий товарлар (нон, хўжалик совуни);
2. Импульсив тарзда сотиб олинadиган товарлар (сақич, газета);
3. Фавқулodда ҳолатлар учун ҳарид қилинadиган товарлар (зонт).

Дастлабки танлов асосидаги товарлар сафига: мебель, кийим-кечак, уй-рўзғор учун электр жиҳозлари киради ва у ҳаридорларни қиёслашни, нарх, мода, дизайн жиҳатидан танловда бир мунча мулоҳаза юритишни талаб қилади. Ушбу товарлар:

- ўхшаш товарлар (сифат жиҳатдан бир-бирига яқин, лекин дизайн, нархи бўйича фарқланади,);

- алоҳида кўринишдаги товарлар (ранги, фасони, нави жиҳатидан).

Пассив талабдаги товарлар – ҳаридорларга нотаниш ёки улар хусусида жуда кам уйлайдиган товарлардан таркиб топади. Ишлатиш вақтига кўра:

- қисқа муддатли фойдаланишга оид товарлар;
- ўзоқ муддатли фойдаланишга оид товарлар;

Товар сиёсатини асосий мақсади бўлиб:

- фойдани таъминлаш;
- тақсимотни устириш;
- фирма ҳаракат қилаётган бозор улушини кўпайтириш;
- ишлаб чиқариш ва маркетингга ҳаражатларни тежаш;
- имиджни ошириш бўлиб ҳисобланади.

Товар сиёсатида асосий мақсадга эришиш қуйидаги соҳалардаги вазифаларни ҳал этиш орқали амалга оширилади:

- унинг инновацияси;
- вариация;
- дифференция;
- элиминация;
- маркани ўрнатиш ва танлаш;
- қадоқлаш;
- товарни шакли, тури ва бошқалар.

Шунга мос ҳолда товар сиёсатининг масалаларига қуйидагилар киради:

- янги товарларни қидириш;
- янги товарларни ривожлантириш;
- бозорга янги товарларни киритиш;
- товар шакллари асослаш;
- товар сифатини тартибга солиш;
- бозордаги янги товарлар ҳулқ-атворини назорат қилиш ва бошқалар.

Биринчи 3 таси бозорга янги товарларни киритаётганда ҳал этилади, қолган вазифаларни ҳал этиш товарни бутун ҳаёти давомида амалга ошади. Бунинг учун, яъни қарорни асослаш учун товарни ҳаётийлик цикли модели ишлатилади.

Товарлар ва хизматлар ассортименти – бу фойдаланиш бўйича бири-бирига жуда ўхшаш товарлар (хизматлар) гуруҳидир.

Товар сифати – бу товарнинг ўз функцияларини бажаришда кўринади ва у қуйидаги параметр билан характерланади, яъни ўзоқ муддат хизмат кўрсатиши, пишиқлиги, фойдаланишда соддалиги ва бошқалар.

Маркетинг фани бўйича товар сифати харидорлар берган баҳо билан улчанади.

Товарлар ассортиментининг мутассил янгиланиб туриши, кишилар турмуш даражаси ва маданиятининг ортиб бориши билан товарлар ассортименти ҳам янгиланиб, ўзгариб боради. Хар қандай товар ўзининг ишлаб чиқарилиш жараёнида «хаёт йўлида» қуйдаги босқичлардан ўтади:

- Ишлаб чиқаришга тайёрлаш;
- Тажриба шаклидаги ишлаб чиқариш;
- Оммавий равишда ишлаб чиқариш;

Бу даврда товар энг кўп ишлаб чиқарилади. Товар харидорлар орасида кенг тарқалиши учун бу босқич «полуфизация» (лотинча насл тарқатиш) номи берилган.

- Инқироз ёки симплефикация (инглизча оддий тарқалиш) босқичи.

Бу давр ишлаб чиқаришнинг тўхташи, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташланиши билан тугалланади.

Хозирги вақтда хар йилги енгил саноатимиз ишлаб чиқараётган тикув кийимлари, трикотаж буюмлари ва пойабзалнинг ярмини, газламаларнинг 30%ини янгиланди. Техник мураккаб буюмлар хар 10 йилда, маданий ва хўжалик молларининг қолган турлари хар 5-7 йилда буткул янгиланади. Товарларга бир неча рақамдан иборат бўлган шартли белги бериш жарёнига кодлаш дейилади. Келгусида ҳамма товарларга артикуллар ўрнига 10 рақамли кодлар берилади. Ундаги товарларнинг туркумланиши асосан кодлаш 9 босқичдан иборат. 1-босқич иккита рақам билан қолганларидан рақам билан ифодаланади. Кодлашнинг дастлабки 5 босқичи туркумлаш қисми ва қолганлари эса ассортимент қисми дейилади. Товарнинг барча сифат ва морфологик кўрсаткичларини ўз ичига қамраб олган кодлар ишлаб

чиқарилган ЭХМ машиналар ёрдамида қандай хусусиятли товарлар тез ёки секин сотилишини йил давомида ўрганишга имконият яратилади. Бу маълумотлар саноатга шартномаларни илмий равишда тузишга шароит яратиб беради. ЭХМ машиналар ёрдамида товарларнинг сотилиш тезлигини ўрганиш учун уларнинг ёрликларига коддаги рақамлар майда чизик (штрих) шаклида кўчирилади. Ёрликда коддан ташқари товарнинг магазинга келган куни ва сотилган куни кўрсатилади. Бундай кодлар 13 чизикдан иборат бўлади, биринчи 3та чизик мамлакатни ва қолган чизиклар ишлаб чиқарувчи ташкилот ва товар сифат белгилари тўғрисида маълумот беради. Чизиклар оптик мослама ёрдамида рақам ва ҳарифларга айлантирилади. Ўзбекистон Европа кодлаш жамиятига аъзо бўлиб кирди ва унга 460дан 469гача бўлган рақамлар ажратилди.

Ҳозир мамлакатимизда 400000 турли хил халқ истеъмоли товарлари шу жумладан; 300000 ноозик товарлари ишлаб чиқарилмоқда, истеъмол белгилари бўйича ҳисобга олинса халқ истеъмоли товарлари миллионга етади. Бундай улкан номенклатура товарлари бир системага солмасдан ишлаб чиқаришни миллий равишда режалаштириш, ҳисоб китоб қилиш, хусусиятлари ва ассортиментини мукаммал ўрганиш жуда қийин.

Товарлар классификацияси ва шартли белги кодлар қўйиш йўли билан тартибга солинади. Классификациялаш деб товарларни умумий хусусиятларига кўра кетма-кет айриш бўғинларига айтилади. Товарларни классификациялаш жиҳатлари. Товарларни классификацияси қуйдаги 7 жиҳатга жавоб бериши керак:

Бир жиҳатлилиқ-классификациянинг ҳар бир босқичида товарларни бир хил белгиси бўйича бўлиш.

Тўлиқ қамраб олиш ва мослашиш. Системанинг товарлар ассортиментини тўлиқ қамраб олиш ва келгусида қўшимча киритишга имконият ярата олиш қобилияти;

Ўзаро иерархик бўйунсиниш- классификацияси бўғинларининг бир қиррали бўйсунишидир. Фассет методи, аксинча классификация бўғинларининг

бир йўла бир неча белгилар бўйича бўлиниши натижасида вужудга келадиган ўзаро такрорий бўйсуниларга йўл қўяди. Масалан, мебель ишлаб чиқариш усулига кўра дурадгорлида тайёрланган тўқима классларига, консультацияга кўра панжарали ва корпуслик кичик классларга элементларнинг бириктирилишига кўра сечли ва рақамли гуруҳларга, юмшоқлиги кўра юмшоқ ва қаттиқ мебеллар кичик гуруҳларга комплектига кўра алоҳида мебел, гарнитур ва набор турларига бўлинса, иерархик усул ишлатилган бўлади.

Шахсий ясан-тусан товарлари жинсга кўра хотин-қизлар ва эркеклар группаларига бўлиниб, ҳар бири ишлатилишига кўра заргарлик буюмлари, атир, упа-элик товарлари, қўл-чўнтак соатлари. Товар классификациясида иложи борица иерархик методи ишлатишга ҳаракат қилинади.

Универсаллик- классификациянинг ҳалқ ҳўжалиги ҳамма тармоқларида ишлатишга яроқлидир. Бундай классификацияни яртиш қийин ва тузилган тақдирда ҳам камчиликлардан холи бўлмайди. Шунга қарамай товарлар универсал классификациясини яратишга интилиш керак.

Тузилишнинг ихчамлиги- классификациянинг барца бўғинларини кўздан кечириш осонлиги. Бу талабга жавоб бериш учун классификасия иложи борица саёз бўлиши керак. Классификацияни саёз чуқурлиги ундаги босқичлар сонини кўрсатади.

Классификацион бўғинларнинг бир маънолиги- ҳар бир классификацион бўғиннинг бир маънога эга бўлишидир.

Ўнли система бўйича кодлашга яроқлилик. Бунинг учун классификациянинг ҳар бир босқичидаги бўғинлар сони ўндан ошмаслиги керак.

Товарлар классификацияларининг системалари- товарларни кетма-кет бўғинларга бўлиш қоидалари жамига айтилади.

Ҳозир товарларнинг умумий универсал классификацияси тузилиб, амалда ишлатилаётганлиги учун савдода қуйдаги системадаги классификациялар қўлланилмоқда.

Бу системага кўра товарлар ишлатилиши бўйича қуйдаги гуруҳларга бўлинади:

1. Маиший кимиё товарлари
2. Ёқилғи ва ёритиш материаллари
3. Пласмасса ва резинадан ясалган хўжалик моллари
4. Шиша ва кулолчилик товарлари
5. Металдан ясалган хўжалик моллари
6. Уй-рўзғор электр буюмлари
7. Қурилиш материаллари
8. Атторлик ва ёдгорлик буюмлари
9. Заргарлик буюмлари
10. Мебель ва гиламлар
11. Атир, упа-элик товарлар
12. Радио-электрон товарлар
13. Кино-фото товарлари
14. Музика товарлари
15. Транспорт воситалари
16. Спорт товарлари
17. Концелария ва мактаб ўқув товарлари
18. Китоблар ва тасвирий санъат буюмлари
19. Ўйинчоқлар ва стол ўйинлари
20. Зоотоварлар
21. Гуллар ва кўчатлар
22. Аптека моллари
23. Тўқима товарлар
24. Тикув товарлар
25. Трикотаж буюмлар
26. Пойабзал
27. Мўйна-пўстин буюмлари

Бу классификацияга кўра магазинлар очилади ва шу тартибда билим юртларида дарслар олиб борилади. Бу гуруҳлардан дастлабки 22таси маданий ва хўжалик моллари, 5таси эса кийим- кечак ва пойабзал товарлари деб юритилади. Бу классификацияда, келгусида умумий классификация тузилганда ҳам савдо ва ўқув ишлари давом этаверади.

Гуруҳлар номида товар сўзидан ташқари буюм ва материал сўзлари ишлатилган. Одатда дона бай товарларга нисбатан материал термини ишлатилади. Аралаш гуруҳга бўлса мол ёки товар сўзлари ишлатилади.

Классификацияда аппарат сўзи мураккаб техник товарларга нисбатан ишлатилган. Товаршуносликда энергияни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга айлантира оладиган аппаратларга нисбатан прибор сўзи ҳам ишлатилган. Электр энергиясини механик энергияга айлантира оладиган йирик габаритли приборлар «машина» дейилади.

Чакана савдо товарлар обаротида ҳисобга олинadиган товарлар классификацияси. Чакана товарлар ҳаракатини ўрганишда марказий статистика бошқармаси 1979 йил 12 декабрда тасдиқланган «чакана савдо товар оборотида ҳисобга олинadиган товарлар рўйхати (товарлар луғатидан) фойдаланилади. Бу луғатда ноозиқ-овқат товарлари қуйдаги гуруҳлар ҳисобланади. 36 ип-газламалар. Жун газламалар. Жун рўмоллар 39-40 ипак газламалар. 41 зиғир газламалар. 42 устки ва ички газламалар. 43 мўйна ва мўйнадан тикилган буюмлар. 44 бош кийимлар. Устки трикотаж. 46 ички трикотаж. 47 пайпоқлар. 48-49 чарим тўқима ва қурма пойабзал. 50 резина пойабзал. 51 кийгиз пойабзал. 52 хўжалик совуни. 53 синтетик кир ювиш воситалари. 54 атир совун. 55 атир, упа-элик товарлари. 56 атторлик буюмлари. 57 иплар. 60 гугуртлар. 61 керосин. 62 метал краватлар. 63 мебель. 64 гилам ва гиламдан қилинган буюмлар. 65 метал идишлар ва металдан қилинган рўзгор буюмлари. 66 чинни идишлар. Шиша идишлар. 67 соатлар. 68-70 электр товарлар. 71 мактаб ўқувчилари буюмлари. 72 қоғоз ва коцелария товарлари. 73 велосепед ва мотоцикллар. 74 босма нашрлар. 75 спорт товарлари. 76 радио товарлар. 77 музика товарлари. 78 ўйинчоқлар.

79-80 бошқа маданий товарлар. 82 дераза ойнаси. 83 ёғоч тахталар. 84 цемент. 85 ғишт, охак, ганч, қурулиш тошлари, черипицца. 85 шифер. 86 метал прока. 87 бошқа қурулиш моллари. 88 ёғочдан йўниб ишланган товарлар. 89 қайишдан ясалга товарлар. 90 заргарлик товарлари. 91 маиший химия товарлари. 92 енгил автомобиллар. 92 бошқа ноозиқ-овқат товарлари.

қолган гурухлар(1-25 ва 58-59)

Озиқ-овқат товарлари учун ажратилган товар группалари қуйидагилардан иборат:

1. Дон ва дон маҳсулотлари
2. Қанд, асал, крахмал ва қандолат маҳсулотлари
3. Мева ва сабзавот маҳсулотлари
4. Лаззатли маҳсулотлар
5. Сут ва сут маҳсулотлари
6. Ғўшт ва ғўшт маҳсулотлари
7. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари
8. Озиқ-овқат ёғлари
9. Тухум ва тухум маҳсулотлари

Озиқ-овқат товарлари инсон ҳаёт фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, у инсонларни яхши яшаши ва рационал озиқланишда ўз ўрнига эга.Шунингдек инсон овқатида ёғнинг аҳамияти жуда катта: у бевосита озиқ-овқат рациона таркибига киради.Ўсимлик мойи эса бундан ташқари бўёқ тайёрлашда ишлатилади.

Бу классификация савдодаги ҳисоб китоб ишларида 3-савдо формаси номи билан қўлланилади. Фан -техника гуркираб ривожланаётган ҳозирги даврда ЭҲМларсиз ривожланиш, бошқариш ва ҳисоб китоб ишларини олиб бориш қийин бўлиб қолди.

Шунинг учун бутун жаҳон техник ахборот, классификация, кодлаш илмий тадқиқот институти маҳсулотларнинг системасига асосланган умумжаҳон классификатори (ОКП)ни ишлаб чиқди. Бу классификатор Стандартлаш Давлат Комитети томонидан 1975 йил декабрда тасдиқланди

ва 1976 йилдан бошлаб халқхўжалигига жорий этилди. ОКП ва бошқа умумжаҳон классификаторларни халқхўжалиига жорий этишнинг тезлаштириш ва уларни такомиллаштириш мақсадида Умумжаҳон классификаторларни юритиш бош илмий-тадқиқот маркази(ГНИЦВОК) ташкил этилди. ОКП мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган барча халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш – техник товарларни келиб чиқишига кўра 99 классга бўлади. 1-9 ва 11-19 класслар санот хом ашиёси учун ажратилган. 21-26 химия саноати маҳсулотлари, 29-31 ва 33-52 классларда машинасозлик маҳсулотлари ва 53-56 классларда ўрмон хўжалиги маҳсулотлари жойлашган. +урилиш маҳсулотлари 57-69, мудофа саноати маҳсулотлари 60-71 ва 74-75, енгил саноат маҳсулотлари 81-89, озиқ-овқат маҳсулотлари 91-92, медицина саноати маҳсулотлари 93-94 ва полиграфия маҳсулотлари, 96-класс маданий ва хўжалик моллари ва 97-98 қишлоқ хўжалиги товарлари.

ОКП 20 га яқин 20 мингга яқин маҳсулотни ўз ичига олади. «Класс» термини туркум, яни бир қанча гуруҳ маъносини билдирадики, бу эса қадим замонлардан бери жамият, ҳайвон, ўсимлик системасидаги энг юқори босқич сифатида ажратиб келинган. Классификация сўзининг ҳам класс сўзидан келиб чиқиши бежиз эмас.

Маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган товарларнинг баъзилари икки мартта код гуруҳларга ва саноат тармоғи бўйича ажратилган классларда такрорланади.

### **1.3. Учқўрғон туманида саноатни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.**

**Учқўрғон тумани 1935 йилнинг 28 июлида ташкил топган.** Туманнинг умумий майдони 29706 га ёки 297 минг кв.км, аҳолиси 156.8 минг киши. Туман маркази-Учқўрғон шаҳри. Аҳоли зичлиги кв.километрга 512 кишини ташкил этади. **Маъмурий жихатдан** 1 та шаҳар ва 8 та қишлоқ фукаролар йигинлари ва 66 та маҳалла фукаролар йигинларига бўлинган.

Учқўрғон туманининг hozirги худуди Наманган вилояти Фаргона водийсининг кадимий аҳоли жойлашган минтакаларидан биридир. Аҳолининг утрок хаёт кечириши ва дастлабки сугорма дехкончилик тугрисидаги маълумотлар милoddан аввалги 6-4 асрларга бoриб такалади. Туман асосан текисликлардан иборат булиб, денгиз сатхидан уртача мутлак баландлиги 500 метрни, тупроклари асосан буз тупрокни ташкил этади. **Туман худудидан фойдали казилмалар деярли йук.** Курилиш материалларидан шагал ва кум хом-ашёси бор. Туманнинг шимолий гарбидан окиб утувчи Норин дарёсининг уртача чуқурлиги 15 метр, кенглиги 500 метрни ташкил килади. **Норин дарёсидан ташкари катта Фаргона канали, Октябрь канали, Катта Андижон канали, Хакулобод канали, Дамарик, Ингичка, Чап киргок, Бирлашган каналаридан экинларини сугоришда фойдаланилади.** Туман Фаргона водийсидаги муъатадил континентал хаво муассасанинг жанубий кисмига ёки курук субторопик хаво муассасанинг жанубий кисми чегараларига жойлашган. Учқўрғон тумани вилоятнинг шаркий кисмида жойлашган. Шимол ва шаркдан Киргизистон Республикаси, вилоятининг Норин тумани, гарбдан Уйчи тумани, жанубий шаркдан Андижон вилоятининг Избоскан тумани билан чегарадош. Учқўрғон тумани вилоятдаги жихатдан тараккий этган туманлардан биридир. Вилоятда қишлоқ хужалик махсулотларидан пахта, дон, гушт, сут, тухум, мева, узум, пилла хамда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш билан олдинги уринларда туриши диққатга сазовордир

Туманда иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида энг аввало юқори салмоғга эга саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва қолган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш дастурлари бўйича ишлар олиб борилди.

## 1.3.1-жадвал

## Учқўрғон туманининг 2012-2014 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари

2012-2014 йиллар

| Кўрсаткич номи                            | Ўлчов бирлиги  | Ҳажми   |         |         | Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % |         |         |
|-------------------------------------------|----------------|---------|---------|---------|--------------------------------------|---------|---------|
|                                           |                | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2012 й.                              | 2013 й. | 2014 й. |
| Саноат маҳсулотлари                       | млрд. сўм      | 162,0   | 160,2   | 166,3   | 110,3                                | 100,6   | 106,6   |
| Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш       | млрд. сўм      | 104,8   | 102,3   | 113,6   | 106,8                                | 109,1   | 107,3   |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари              | млрд. сўм      | 140,9   | 191,1   | 227,5   | 106,9                                | 107,1   | 107,0   |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | млрд. сўм      | 36,2    | 47,2    | 55,3    | 106,4                                | 119,3   | 103,2   |
| шу жумладан чет эл инвестициялари         | минг АҚШ       | 168,8   |         | 417,6   |                                      |         |         |
| шундан тўғридан-тўғри чет эл              | минг АҚШ       |         |         |         |                                      |         |         |
| Қурилиш-пудрат ишлари                     | млрд. сўм      | 28,2    | 38,8    | 51,6    | 106,2                                | 123,8   | 114,5   |
| Чакана товар айланмаси                    | млрд. сўм      | 127,2   | 162,6   | 193,5   | 117,0                                | 111,9   | 109,3   |
| Жами хизматлар ҳажми                      | млрд. сўм      | 94,2    | 116,5   | 165,9   | 130,5                                | 119,5   | 133,0   |
| Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш         | млрд. сўм      | 23,6    | 30,0    | 69,9    | 115,8                                | 111,8   | 113,1   |
| Ташқи савдо айланмаси                     | минг АҚШ долл. | 3861,3  | 2390,8  | 2724,3  | 195,7                                | 61,9    | 113,9   |
| Экспорт                                   | минг АҚШ долл. | 1,5     | 26,7    | 66,5    | 10,9                                 | 1780,0  | 249,1   |
| Импорт                                    | минг АҚШ долл. | 3859,8  | 2364,1  | 2657,8  | 208,3                                | 61,2    | 112,4   |
| Қўшма корхоналар сони                     | бирлик         | 1       | 2       | 2       | х                                    | х       | х       |

Манба: Туман паспорти маълумоти

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Учқўрғон туманида 2012-2014 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда яхши натижаларга эришилган. Жумладан, саноат маҳсулотлари кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2012 йилда 162,0 млрд.сўмни ташкил қилган

бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 166,3 млрд.сўмни ташкил қилган ёки бу кўрсаткич 102,6 % га ўсган.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2012 йилда 104,8 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 113,6 млрд.сўмни ташкил қилган ёки бу кўрсаткич 108,4 % га ўсган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2012 йилда 140,9 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 227,5 млрд.сўмни ташкил қилган ёки бу кўрсаткич 161,5 % га ўсган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2012 йилда 36,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 55,3 млрд.сўмни ташкил қилган , шундан чет эл инвестицияси 2012 йилда 168,8 минг АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 417,6 минг АҚШ долларини ташкил этган.

#### 1.3.2-жадвал

#### *Рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони*

2015 йил 1 январ ҳолатига

|                                  | Жами | Шундан              |                               |       |                 | 2014 йил<br>январ-декабр |                |
|----------------------------------|------|---------------------|-------------------------------|-------|-----------------|--------------------------|----------------|
|                                  |      | Йирик               |                               | кичик | микро-<br>фирма | ташкил<br>топди          | туга-<br>тилди |
|                                  |      | рўйхатдан<br>ўтгани | фаолият<br>кўрсатаёт-<br>гани |       |                 |                          |                |
| Жами                             | 1034 | 256                 | 250                           | 88    | 690             | 53                       | 56             |
| <i>Тармоқлар</i>                 |      |                     |                               |       |                 |                          |                |
| Саноат                           | 122  | 3                   | 3                             | 5     | 114             | 5                        | 9              |
| Қишлоқ ва<br>ўрмон хўжалиги      | 211  | 17                  | 16                            | 7     | 187             | 9                        | 16             |
| Транспорт ва<br>алоқа            | 28   | 6                   | 5                             | 2     | 20              | 3                        | 2              |
| Қурилиш                          | 48   | 1                   | 1                             | 7     | 40              | 5                        | 4              |
| Савдо ва<br>умумий<br>овқатланиш | 266  | 4                   | 3                             | 32    | 230             | 23                       | 17             |
| Бошқа<br>соҳаларда               | 359  | 225                 | 222                           | 35    | 99              | 8                        | 8              |

**Манба:** Туман паспорти маълумоти

Қурилиш пудрат ишлари ҳажми 2012 йилда 28,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 51,6 млрд.сўмни ташкил қилган.

Чакана савдо айланмаси ҳажми 2012 йилда 127,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 193,5 млрд.сўмни ташкил қилган ёки бу кўрсаткич 152,1 % га ўсган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Учқўрғон туманида жами 1034 та хўжалик юритувчи субъект бўлиб шундан 256 таси рўйхатдан ўтган бўлиб, фаолият кўрсатаётгани 250 тани ташкил қилади. Кичик корхоналар 88 тани, микрофирмалар 690 тани ташкил қилади.

2014 йилда 53 та янги корхона ташкил топди, аммо 56 та хўжалик юритувчи субъект ўз иш фаолиятини тўхтатди. Агарда биз буларни тармақлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, саноатда 9 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги 16 та, транспорт ва алоқа 2та, қурилиш 4 та, савдо ва умумий овқатланишда 17 та, бошқа соҳаларда 8 тани ташкил этган.

### 1.3.3-жадвал

#### Учқўрғон тумани саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши

2012-2014 йиллар

| Кўрсаткичлар                                      | Ўлчов<br>бирлиги | Миқдори  |          |          |
|---------------------------------------------------|------------------|----------|----------|----------|
|                                                   |                  | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил |
| Саноат маҳсулоти                                  | млрд. Сўм        | 162,0    | 160,2    | 166,3    |
| Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати                 | %                | 110,3    | 100,6    | 106,6    |
| Вилоятдаги улуши                                  | %                | 11,8     | 10,0     | 8,5      |
| Аҳоли жон бошига                                  | минг сўм         | 1008,6   | 1013,9   | 1070,3   |
| Худудий саноат корхоналари ҳажми                  | млн. сўм         | 23209,3  | 26458,7  | 32476,6  |
| Жами саноат ҳажмидаги улуши                       | %                | 1,8      | 1,7      | 1,7      |
| Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари           | бирлик           | 111      | 113      | 122      |
| шундан ҳажмсизлар сони                            | бирлик           | 36       | 32       | 27       |
| Кичик бизнеснинг саноатдаги улуши                 | %                | 16,0     | 20,4     | 19,3     |
| Корхоналар сони                                   | бирлик           | 97       | 101      | 107      |
| шундан: йирик корхоналар                          | бирлик           | 3        | 3        | 3        |
| Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари | млн. сўм         | 93700,0  | 105900,0 | 113600,0 |
| Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати                 | %                | 106,8    | 109,1    | 107,3    |
| Вилоятдаги улуши                                  | %                | 12,8     | 10,1     | 9,4      |
| Аҳоли жон бошига                                  | минг сўм         | 696,4    | 693,9    | 731,3    |
| Озиқ-овқат маҳсулоти                              | млн. сўм         | 63709,0  | 53394,7  | 54181,3  |
| Нооziқ-овқат моллари                              | млн. сўм         | 35765,4  | 43931,3  | 54505,2  |
| шу жумладан енгил саноат моллари                  | млн. сўм         | 15948,1  | 19271,4  | 25857,2  |

Манба. Учқўрғон тумани паспорти маълумоти

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб борган. Аммо, Вилоятдаги улуши 2012 йилда 11,8% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 10,0% ни ташкил этган, 2014 йилга келиб, 8,5% ни ташкил қилган.

#### 1.3.4-жадвал

##### *Учқўрғон тумани йирик саноат корхоналари тўғрисида маълумот*

| №                         | Корхона номи                   | Ташкил топган йил | Ишловчилар сони | 2014 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, % |
|---------------------------|--------------------------------|-------------------|-----------------|-----------------------------------------------|
| <b>Тармоқ корхоналари</b> |                                |                   |                 |                                               |
| 1                         | "Учқўрғон Пахта тозалаш" АЖ    | 1994 й            | 409             | 38,1                                          |
| 2                         | "Учқўрғон Ёғ" АЖ               | 1995 й            | 610             | 37,1                                          |
| 3                         | "Учқўрғон дон маҳсулотлари" АЖ | 1995 й            | 640             | 58,1                                          |

Манба. Учқўрғон тумани паспорти маълумоти

Учқўрғон туманида 3 та йирик корхона бўлиб, уларда ишловчилар сони бошқа соҳаларга қараганда анча кўпни ташкил этади.

"Учқўрғон Пахта тозалаш" АЖда 409 та ишчиларни, "Учқўрғон Ёғ" АЖда 610 тани, "Учқўрғон дон маҳсулотлари" АЖда 640 та ишчи ишлайди. Бундан кўриниб турибдики, "Учқўрғон дон маҳсулотлари" АЖти бошқа корхоналарга қараганда ишловчилар сони ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан ҳам алоҳида ўрин тутди.

Тумандаги йирик корхоналарини жами саноатни ривожланишидаги ўрни юқори ҳисобланиб, жами саноат маҳсулотларини 65 % дан юқорисини ишлаб чиқаради.

Учқўрғон тумани саноатининг ривожланиши ҳам бевосита йирик асосий саноат корхоналарини тўпланиб қолганлиги ва улар орқали кичик бизнесни ривожланишинг юқори суратларда эканлигидир.

## Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

| №             | Шаҳар ва туманлар<br>номланиши | Ялпи қишлоқ<br>хўжалиги маҳсулоти |                                                                    | Саноат                 |                                                                | Халқ истеъмоли<br>моллари |                                                                    | Чакана савдо           |                                                                    | Хизматлар              |                                                                    |
|---------------|--------------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------------------------------------|------------------------|----------------------------------------------------------------|---------------------------|--------------------------------------------------------------------|------------------------|--------------------------------------------------------------------|------------------------|--------------------------------------------------------------------|
|               |                                | 2014 йил<br>(млн.сўм).            | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013<br>йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм).    | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013<br>йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013<br>йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013<br>йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) |
| Вилоят бўйича |                                | 2877139,4                         | 108,5                                                              | 1964961,8              | 112,5                                                          | 1205090,4                 | 113,7                                                              | 3506504,3              | 112,9                                                              | 3771815,7              | 122,0                                                              |
| 1             | Наманган ш.                    | 209171,5                          | 106,3                                                              | 790538,3               | 113,8                                                          | 514644,2                  | 108,5                                                              | 1307846,1              | 120,5                                                              | 1607081,7              | 122,0                                                              |
| 2             | Мингбулоқ                      | 156166,3                          | 105,7                                                              | 60226,7                | 119,0                                                          | 11956,8                   | 154,2                                                              | 100799,3               | 104,1                                                              | 120877,0               | 135,7                                                              |
| 3             | Косонсой                       | 149655,2                          | 109,1                                                              | 58297,9                | 120,0                                                          | 44077,2                   | 134,4                                                              | 227425,9               | 129,1                                                              | 199748,8               | 127,1                                                              |
| 4             | Наманган                       | 258534,2                          | 107,7                                                              | 171509,4               | 103,7                                                          | 130173,0                  | 108,0                                                              | 162854,9               | 109,9                                                              | 241478,5               | 116,2                                                              |
| 5             | Норин                          | 173193,5                          | 109,1                                                              | 71196,4                | 101,0                                                          | 38986,7                   | 100,3                                                              | 210040,4               | 102,8                                                              | 142141,5               | 134,4                                                              |
| 6             | Поп                            | 189285,2                          | 107,2                                                              | 115235,8               | 104,0                                                          | 52937,7                   | 113,6                                                              | 216169,8               | 106,6                                                              | 226318,5               | 120,1                                                              |
| 7             | Тўрақўрғон                     | 238810,8                          | 107,0                                                              | 119122,6               | 139,5                                                          | 58667,6                   | 149,2                                                              | 268944,7               | 100,1                                                              | 223564,0               | 120,7                                                              |
| 8             | Уйчи                           | 205948,6                          | 108,2                                                              | 144581,1               | 123,4                                                          | 83497,9                   | 157,1                                                              | 125253,5               | 109,8                                                              | 194604,1               | 109,3                                                              |
| 9             | Учқўрғон                       | 227488,0                          | 107,0                                                              | 166318,3               | 106,6                                                          | 113646,4                  | 107,3                                                              | 193533,7               | 109,3                                                              | 165873,2               | 133,0                                                              |
| 10            | Чортоқ                         | 249021,8                          | 111,2                                                              | 29883,1                | 126,1                                                          | 29121,7                   | 140,8                                                              | 129605,7               | 114,2                                                              | 190626,6               | 114,0                                                              |
| 11            | Чуст                           | 287469,1                          | 108,4                                                              | 98893,0                | 102,9                                                          | 62878,1                   | 100,5                                                              | 354283,6               | 106,0                                                              | 218821,0               | 123,6                                                              |
| 12            | Янгикўрғон                     | 532395,2                          | 111,2                                                              | 48957,6                | 114,0                                                          | 64503,0                   | 112,7                                                              | 215746,6               | 114,0                                                              | 240680,9               | 124,9                                                              |

1.3.5-жадвал давом

| №             | Шаҳар ва<br>туманлар<br>номланиши | Пуллик хизмат           |                                                                 | Маиший хизмат          |                                                                 | Инвестициялар          |                                                                 | Қурилиш ишлари         |                                                                 |
|---------------|-----------------------------------|-------------------------|-----------------------------------------------------------------|------------------------|-----------------------------------------------------------------|------------------------|-----------------------------------------------------------------|------------------------|-----------------------------------------------------------------|
|               |                                   | 2014 йил<br>(млн. сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013 йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013 йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013 йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) | 2014 йил<br>(млн.сўм). | Ўсиш<br>суръати<br>%да<br>2013 йилга<br>нисбатан.<br>(сол.нарх) |
| Вилоят бўйича |                                   | 1386148,0               | 117,7                                                           | 168919,4               | 112,9                                                           | 1620038,2              | 134,3                                                           | 928282,8               | 111,0                                                           |
| 1             | Наманган ш.                       | 406751,2                | 126,6                                                           | 32220,4                | 114,9                                                           | 386580,6               | 101,2                                                           | 178959,1               | 109,1                                                           |
| 2             | Мингбулоқ                         | 50310,7                 | 119,7                                                           | 7089,4                 | 114,1                                                           | 43554,1                | 108,7                                                           | 38461,4                | 118,2                                                           |
| 3             | Косонсой                          | 94759,3                 | 117,0                                                           | 12560,8                | 110,0                                                           | 68918,2                | 100,5                                                           | 78861,4                | 116,3                                                           |
| 4             | Наманган                          | 101474,2                | 112,7                                                           | 12844,2                | 113,5                                                           | 136808,7               | 118,1                                                           | 92870,3                | 117,5                                                           |
| 5             | Норин                             | 70417,3                 | 113,4                                                           | 10304,3                | 110,5                                                           | 69706,1                | 102,4                                                           | 50953,2                | 115,3                                                           |
| 6             | Поп                               | 113772,1                | 112,0                                                           | 14471,0                | 110,0                                                           | 466971,0               | 466,1                                                           | 68317,8                | 103,0                                                           |
| 7             | Тўрақўрғон                        | 96728,5                 | 112,0                                                           | 12678,4                | 110,3                                                           | 91200,8                | 100,4                                                           | 67278,5                | 102,3                                                           |
| 8             | Уйчи                              | 93375,0                 | 112,9                                                           | 12797,1                | 113,1                                                           | 89196,3                | 100,8                                                           | 83751,0                | 101,6                                                           |
| 9             | Учқўрғон                          | 69914,6                 | 113,1                                                           | 12201,8                | 116,0                                                           | 55349,1                | 103,2                                                           | 51561,9                | 114,5                                                           |
| 10            | Чортоқ                            | 83287,5                 | 113,2                                                           | 12741,7                | 119,2                                                           | 66798,9                | 105,7                                                           | 86714,4                | 117,7                                                           |
| 11            | Чуст                              | 112317,4                | 114,9                                                           | 14993,2                | 105,2                                                           | 73282,4                | 108,4                                                           | 73566,5                | 116,4                                                           |
| 12            | Янгиқўрғон                        | 93040,4                 | 120,2                                                           | 14017,0                | 117,8                                                           | 71672,0                | 106,2                                                           | 56987,3                | 108,9                                                           |

Манба: жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан ишлаб чиқилди

## Саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари

| №             | Шаҳар ва<br>туманларнинг<br>номланиши | Жами      |           |       | йирик корхоналар |             |       | микрофирмалар |             |       | кичик корхоналар |             |       |
|---------------|---------------------------------------|-----------|-----------|-------|------------------|-------------|-------|---------------|-------------|-------|------------------|-------------|-------|
|               |                                       | 2014 йил  | 2013 йил  | %     | 2014<br>йил      | 2013<br>йил | %     | 2014<br>йил   | 2013<br>йил | %     | 2014<br>йил      | 2013<br>йил | %     |
| Вилоят бўйича |                                       | 1964961,8 | 1638261,9 | 112,5 | 745457,7         | 717807,2    | 99,2  | 254076,6      | 176415,5    | 135,2 | 477459,8         | 381712,0    | 114,8 |
| 1             | Наманган ш                            | 790538,3  | 649699,1  | 113,8 | 231388,5         | 247411,5    | 88,3  | 184689,8      | 122859,4    | 141,2 | 185231,4         | 132601,2    | 128,1 |
| 2             | Мингбулоқ                             | 60226,7   | 47506,6   | 119,0 | 47601,3          | 38377,5     | 116,8 | 3169,6        | 2913,4      | 102,2 | 1733,6           | 0,0         | 0,0   |
| 3             | Косонсой                              | 58297,9   | 44626,2   | 120,0 | 14611,6          | 12088,8     | 108,7 | 6925,2        | 6321,7      | 102,9 | 10857,5          | 9837,2      | 101,2 |
| 4             | Наманган                              | 171509,4  | 153169,1  | 103,7 | 45258,4          | 39741,1     | 106,5 | 25284,3       | 20471,8     | 116,0 | 84113,0          | 79846,0     | 96,6  |
| 5             | Норин                                 | 71196,4   | 67631,4   | 101,0 | 29170,4          | 27715,3     | 106,4 | 1755,4        | 1615,1      | 102,1 | 30727,8          | 31844,9     | 89,2  |
| 6             | Поп                                   | 115235,8  | 100727,4  | 104,0 | 78991,1          | 78103,8     | 91,4  | 2798,2        | 2184,9      | 120,3 | 3874,9           | 2605,7      | 136,4 |
| 7             | Тўрақўрғон                            | 119122,6  | 80560,6   | 139,5 | 71881,9          | 58283,8     | 118,1 | 4888,8        | 3773,6      | 121,7 | 29501,8          | 10175,3     | 265,9 |
| 8             | Уйчи                                  | 144581,1  | 109448,3  | 123,4 | 41701,6          | 41377,1     | 96,6  | 12852,4       | 8709,0      | 138,6 | 59224,9          | 46575,2     | 116,6 |
| 9             | Учқўрғон                              | 166318,3  | 148024,7  | 106,6 | 133328,4         | 123264,3    | 103,4 | 2185,4        | 1248,3      | 164,4 | 16608,4          | 13958,5     | 109,1 |
| 10            | Чортоқ                                | 29883,1   | 21916,8   | 126,1 | 0,0              | 0,0         | 0,0   | 1089,0        | 955,7       | 107,0 | 4199,0           | 4559,1      | 84,5  |
| 11            | Чуст                                  | 98893,0   | 89642,6   | 102,9 | 38476,6          | 35816,2     | 102,1 | 6184,7        | 3305,0      | 175,7 | 38187,3          | 40655,0     | 86,1  |
| 12            | Янгиқўрғон                            | 48957,6   | 40289,0   | 114,0 | 13047,9          | 15627,9     | 81,4  | 2253,9        | 2057,5      | 102,9 | 13200,2          | 9053,9      | 134,6 |

1.3.6-жадвалнинг давоми

Жадвал маълумотларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича вилоятда барча кўрсаткичларда 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, саноат, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва чакана савдо, хизматлар кўрсатишда мос равишда 7,0; 6,6; 7,3; 9,3 ва 33,0 фоиз ўсишга эришилди. Бу кўрсаткичларни бошқа туманлар билан таққослаб кўрганимизда Учкўрғон тумани насбатан паст кўрсаткичлар қаторида.

Пуллик хизмат кўрсатиш, маиший хизмат кўрсатиш, инвестициялар киритиш ва қурилиш ишларини бажаришда ҳам вилоятда салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, пуллик хизмат кўрсатишда 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 13,1 фоизга, маиший хизматда 16,0 фоизга, инвестициялар киритишда 3,2 фоизга ва қурилиш ишларини бажаришда эса 14,5 фоизга ўсишга эришилди.

Вилоят иқтисодиётини ривожланишида саноат моллари ишлаб чиқариш ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Бу тўғридаги кўрсаткичларни юқоридаги 1.3.2- жадвалда кўрганимиздек, Учкўрғон тумани жами саноат ишлаб чиқариш хажми 166318,3 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2013 йилда 148024,7млн.сўм бўлган ёки 2014 йилда 106,6 % га эришилган. Шундан йирик корхоналар ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлари 133328,4 млн. сўмни, микрофирмалар 2185,4 млн.сўмни, кичик корхоналар 16608,4 млн.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарган.

## Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар тўғрисида маълумот

| №             | Шаҳар ва<br>туманларнинг<br>номланиши | ёрдамчи саноат корхоналари |          |       | якка тартибдаги меҳнат<br>фаолияти |          |       | Уй хўжалиги |          |       |
|---------------|---------------------------------------|----------------------------|----------|-------|------------------------------------|----------|-------|-------------|----------|-------|
|               |                                       | 2014 йил                   | 2013 йил | %     | 2014 йил                           | 2013 йил | %     | 2014 йил    | 2013 йил | %     |
| Вилоят бўйича |                                       | 69866,4                    | 42640,9  | 154,3 | 199035,6                           | 127636,5 | 142,3 | 128863,7    | 107029,7 | 112,4 |
| 1             | Наманган ш                            | 15878,8                    | 10891,1  | 138,1 | 106200,5                           | 76135,2  | 127,3 | 67149,4     | 59800,7  | 104,8 |
| 2             | Мингбулоқ                             | 529,0                      | 1309,7   | 38,1  | 4142,2                             | 2638,9   | 143,5 | 3051,0      | 2267,0   | 125,6 |
| 3             | Косонсой                              | 6769,3                     | 5409,2   | 117,8 | 13022,7                            | 6210,2   | 191,1 | 6111,5      | 4759,1   | 119,9 |
| 4             | Наманган                              | 5772,0                     | 5331,6   | 101,4 | 5138,6                             | 3332,4   | 140,9 | 5943,1      | 4446,2   | 124,8 |
| 5             | Норин                                 | 531,1                      | 575,2    | 85,9  | 5090,8                             | 2981,2   | 155,6 | 3920,8      | 2899,5   | 126,2 |
| 6             | Поп                                   | 12324,7                    | 6199,2   | 190,2 | 10086,3                            | 5946,8   | 155,0 | 7160,7      | 5686,9   | 117,5 |
| 7             | Тўрақўрғон                            | 1502,8                     | 1310,8   | 108,1 | 5729,8                             | 2806,3   | 186,7 | 5617,4      | 4210,9   | 124,5 |
| 8             | Уйчи                                  | 17533,8                    | 4499,4   | 361,3 | 7283,9                             | 3773,7   | 175,9 | 5984,5      | 4513,9   | 123,8 |
| 9             | Учқўрғон                              | 1340,2                     | 986,2    | 128,6 | 8223,4                             | 5037,3   | 149,0 | 4632,5      | 3530,2   | 122,5 |
| 10            | Чортоқ                                | 4589,8                     | 3540,2   | 122,3 | 11869,9                            | 6153,2   | 175,6 | 8135,4      | 6708,7   | 113,2 |
| 11            | Чуст                                  | 2023,7                     | 1636,8   | 116,8 | 8071,2                             | 3919,0   | 187,5 | 5949,5      | 4310,6   | 128,9 |
| 12            | Янгиқўрғон                            | 1071,3                     | 951,5    | 106,3 | 14176,5                            | 8702,4   | 148,5 | 5207,8      | 3895,9   | 124,8 |

Манба: жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан ишлаб чиқилди

Вилоятда йирик корхоналар, кичик корхоналар, микрофирмалар, ёрдамчи саноат корхоналари, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва уй хўжалиги томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2014 йилда бу кўрсаткичлар 2013 йилга нисбатан ўсди.

Шунингдек, Учқўрғон тумани иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳам 2014 йил якуни билан барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши, саноатда 21,3 фоизни, қишлоқ хўжалида 97,4 фоизни, қурилиш ишларида 95,3 фоизни, чакана савдо айланмасида 39,1 фоизни, аҳолига пулли хизмат кўрсатишда 53,1 фоизни ва жами хизмат кўрсатишда 58,0 фоизни ташкил этди. 2014 йил давомида кичик бизнес корхоналарига жами бўлиб 15 млрд. 054 млн сўм кредит маблағлар ажратилиб, шундан 2 млрд.303 млн. сўми саноатни ривожлантиришга, 5613,4 млн. сўми савдо ва хизмат кўрсатиш, 357,3 млн. сўми алоқа ва транспорт ва бошқаларга 1329,3 млн сўми бошқа соҳаларни ривожлантиришга ажратилган кредит маблағларидир. Шундан, 4666,7 млн.сўми қисқа муддатли 10387,3 млн.сўми узоқ муддатли кредит маблағларидир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 2014 йил учун 54 та хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш режалаштирилиб, амалда 62 та (режага нисбатан 114, %) га бажарилди.

Жумладан, 24 та чакана савдо, 3 та умумий овқатланиш, 1 та гузар, 6 та кийим тикиш ва таъмирлаш, 8 та пойабзал тикиш, 2 та сартарошхона, 6 та маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, 2 та автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва 10 та бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 1452 та янги иш ўринлари яратилди.

Туманда 2014 йил якуни билан 8796,6 минг.доллар миқдорида товар ва хизматлар экспортга чиқарилди.

## **II БОБ. “УЧҚЎРҒОН-ЁҒ” ОАЖ НИНГ БОЗОР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.**

### **2.1. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг бошқаруви ва унинг товарларини сотиш бўйича шартномавий муносабатлари.**

“Учқўрғон-ёғ” очик акциядорлик жамияти ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланиб, унинг вилоят иқтисодиётида ўзига хос муҳим ўрни бор.

Корхонага 1948 йили ёғ-экстракция заводи қурилиши учун Учқўрғон тумани ҳудудидан 29 гектар ер ажратилди. 1953 йилга келиб корхона ишга туширилган. Завод ўша пайтларда суткасига 120 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган. 1970 йилда янги технологияларни қўллаш ва янги жиҳозлар ўрнатилиши ҳисобидан, қолаверса, асосий цехлар қувватларини кенгайтирилиши натижасида завод бир суткада 400 тонна чигитни қайта ишлаш джаражасига етди.

Техник чигит ва соя жуккаклари ёғ ишлаб чиқариш учун асосий хомашё ҳисобланади. Заводга Наманган вилоятининг пахта тозалаш корхоналари томонидан етказилиб берилади, соя дуккаклари эса хорижий мамлакатларидан келтирилади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар қуйидагилар: аралашмалардан тозаланган пахта ёғи, соя ёғи, пахта ва соя шроти, шелуха, “В” русумли олеин кислотаси.

Республикада амалга оширилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига мувофиқ 1994 йилда корхона Учқўрғон-ёғ” очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Жамиятнинг Низом жамғармаси 100065 минг сўмни ташкил қилди. Чиқарилган акцияларнинг номинал қиймати 750 сўмдан бўлиб, уларнинг умумий сони 133420 донани ташкил қилади. Акциядорлик сармояси қуйидаги тартибда тақсимланган:

- Давлатга тегишли акциялар улуши – 25 %
  - Меҳнат жамоасининг улуши – 7,0 %
  - Эрин сотиладиган акциялар улуши 68,0 %.

## **Корхона бошқарув структураси (илова қилинади)**

Корхонада 2002 йилда Франциянинг «Steca» фирмасидан бир соатда 2000 донагача идиш ишлаб чиқаришга соатига 3000 донагача идишга ўсимлик ёғини қуйиш қувватига эга бўлган 1 ва 0,9 литрли ПЭТ идишларга кадоқлаш ускунаси ўрнатилди.

2004 йилда ўсимлик ёғини кадоқлаш цехи “Маржона оил” масъуляти чекланган жамиятга айлантирилди. Жамиятнинг асосий фаолияти ички ва ташқи бозорлар талабига жавоб берувчи ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш, кадоқлаш, янги технологияларни ўзлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш.

2003 йилда акциядорлик жамияти қошида совун ишлаб чиқариш цех барпо этилиб, унда 2004 йилда замонавий технологияларни қўлаш орқали 1291 тонна совун ишлаб чиқарилди. Орадан бир оз вақт ўтиб, хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи “Альфа” масъуляти чекланган жамиятга айлантирилди. Асосий фаолияти юқори сифатли хўжалик совуни ишлаб чиқариш, турли хилдаги атир совунлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан иборат бўлди. Бугунги кунда жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Корхонада ўрнатилган замонавий технологиялар экологик талабларига тўлиқ жавоб беради, зарарли моддалар чиқиндилари меъёридан ошмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш борасида кенг имкониятларга эга бўлди. Корхоналар деярли ҳар куни ўз фаолиятини юритиш учун айирбошлаш жараёнларини амалга оширадилар. Буни амалда ҳар жойда кузатиш мумкин. Хўжалик фаолиятини тўғри амалга ошириш учун шартномалар тузилади. Шартнома икки томон келишган ҳолатда тузилади. Бу шартнома шартлари ҳар икки томондан тўлиқ бажарилгунча қучда қолади.

Шартномавий муносабатлар доимо тенг ҳуқуқли шахслар(шартномадаги шериклар)орасида хизматларни эркин айирбошлаш асосига курилади.Шартнома ҳар бир муайян ҳолатда ишлаши учун бир неча таркибий қисмлар билан тўлдирилади.Агар икки тенг ҳуқуқли шериклар шартнома тузса ўзаро келишиб олиши лозим.Бунда:

1.Қандай хизматлар кўрсатилиши керак?

Шартномада аввало, қуйидагилар назарда тутилади:

- Шартнома предметининг номи (масалан,чигит);
- Шартнома предметининг сифат кўрсаткичи(масалан,чигит нави);
- Шартнома ҳажм кўрсаткичи(масалан, миқдори);

2.Шартнома мажбуриятларини бажарилиш вақти ва жойи.

3.Кўрсатилган хизматлар нархи.

Шартнома шартноманинг барча бандлари бўйича келишиб бўлингач кучга киради.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржасининг Наманган филиали орқали олди-сотда шартномалари асосида сотилади. Бунда электрон биржа савдосида сотувчи ва олувчилар савдо баённомаси асосида шартнома тузадилар.Сотувчи томон белгиланган муддатда товарни етказиб бериш олувчи томон белгиланган муддатда пулни ўтказиш мажбуриятларини олади. Сотувчининг топшириғига мувофиқ брокерлик идораси трейдери томонидан маҳсулот савдога қўйилади. Сотиб олувчи топшириғига мувофиқ брокерлик идораси трейдери савдода қатнашади. “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси билан танишиб чиқадиган

бўлсак, 2015 йилнинг 27 апрелдаги биржа савдосида қатнашиб Aifa Rovuston MSNJ корхонаси билан куйидаги товарга шартнома тузган.

#### 2.1.1-жадвал

| Товар номи                 | Контракт номери | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бир бирлик баҳоси | Бошланғич баҳоси | Лот баҳоси | Бошлонғич лот баҳоси | Шартнома суммаси | Валюта | Ўрам тури |
|----------------------------|-----------------|---------------|---------|-------------------|------------------|------------|----------------------|------------------|--------|-----------|
| Глицерин дис. Маркаси Д-98 | 4236            | килогр амм    | 12000   | 3500              | 3010435          | 350000.0   | 301043.5             | 42000000         | сўм    | розлив    |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси намунаси

Шартнома биржада регистрация бўлган кундан бошлаб 5 банк кунда товарни сотиб олувчи томон пули тўланиши керак. Товар етказиб берувчи томон 22 банк иш кунда товарни жўнатиши керак товар суммаси 100% тўланса. Сотувчи ва олувчи томонлар электрон биржа савдоларида қатнашганликлари учун белгиланган тариф бўйича комисион сбор тўлайдилар.

#### 2.1.2-жадвал

| Товар номи            | Контр акт номери | Ўлчов бирлиги | Микдор и | Бир бирлик баҳоси | Бошланғич баҳоси | Лот баҳоси   | Бошлонғич лот баҳоси | Шартнома суммаси | Валюта |
|-----------------------|------------------|---------------|----------|-------------------|------------------|--------------|----------------------|------------------|--------|
| Пахта ёғи экс. 2 сорт | 3631             | тонна         | 40       | 1438957           | 1438957          | 1438957.0000 | 1438957.0000         | 57558280.0000    | сўм    |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси намунаси

“Андижон ёғ мой” акциядорлик жамияти билан 30 апрел 2015 йилда 40 тонна пахта ёғига биржа савдоларида қатнашиб шартнома тузди. “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти биржадаги савдода, “Андижон ёғ-мой” акциядорлик жамияти билан 57558280,0 сўмга шартнома тузган.

Шартномада 5 банк иш кунида маҳсулот ҳақи пулини ўтказиб бериш ва 22 банк иш кунида Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти ерказиб бериш кўрсатиб ўтилган.

### 2.1.3-жадвал

| Товар номи | Контр<br>акт<br>номер<br>и | Ўлчов<br>бирлиги | Миқдор | Бир<br>бирли<br>к<br>баҳоси | Бошланғ<br>ич<br>баҳоси | Лот<br>баҳоси | Бошлонғи<br>ч<br>лот<br>баҳоси | Шартном<br>а суммаси | Вал<br>юта |
|------------|----------------------------|------------------|--------|-----------------------------|-------------------------|---------------|--------------------------------|----------------------|------------|
| Шелуха     | 1713                       | тонна            | 30     | 25000<br>0                  | 233748                  | 250000        | 233748.00<br>00                | 7500000.0<br>000     | сўм        |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси намунаси

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти Янгиқўрғон Омукта ем сервис МЧЖ билан 30 тонна шелухага 21 апрел 2015 йил шартнома тузган. “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятига Янгиқўрғон Омукта ем сервис МЧЖ 5 банк иш кунида сотиб олинган маҳсулотни суммасини тўлашни ўз зиммасига олган. “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти 100% маҳсулотни пули тўлангандан сўнг 3 банк иш кунида маҳсулотни беришни ўз зиммасига олган.

### 2.1.4-жадвал

| Товар номи               | Контр<br>акт<br>номер<br>и | Ўлчов<br>бирлиги | Миқдори | Бир<br>бирлик<br>баҳоси | Бошланғ<br>ич баҳоси | Лот<br>баҳоси   | Бошлонғич<br>лот баҳоси | Шартнома<br>суммаси | Валю<br>та | Ўрам<br>тури  |
|--------------------------|----------------------------|------------------|---------|-------------------------|----------------------|-----------------|-------------------------|---------------------|------------|---------------|
| Қадоқланган<br>пахта ёғи | 1523                       | килогра<br>мм    | 18000   | 3755,4<br>9             | 3646.1028            | 375549.0<br>000 | 364610.280<br>0         | 67598820.0<br>000   | сўм        | ПЭТ бут<br>5л |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси намунаси

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти 2015 йил 13 мартда “Наманган улгуржисавдоинвест” МЧЖ билан 67598820,0 сўмга пахта ёғи етказиб беришга шартнома тузган. Шартномада сотиб олувчи 3 банк иш кунида тузган маҳсулоти учун пулни “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятига ўтказди. Корхона 5 банк иш кунида маҳсулотни етказиб беришни ўз зиммасига олган.

#### 2.1.5-жадвал

| Товар номи      | Контр акт номер и | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бир бирлик баҳоси | Бошланғич баҳоси | Лот баҳоси   | Бошлонғич лот баҳоси | Шартнома суммаси | Валюта | Ўрам тури |
|-----------------|-------------------|---------------|---------|-------------------|------------------|--------------|----------------------|------------------|--------|-----------|
| Техник саломаса | 1797              | тонна         | 30      | 3028390           | 3028390          | 3028390.0000 | 3028390.0000         | 90851700.0000    | сўм    | навал     |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг биржадаги олди-сотди шартномаси намунаси

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти 2015 йил 24 апрелда мартда Aifa Rovuston МСНУ корхонаси билан 90851700,0 сўмлик товарга шартнома тузган. Шартномада 3 банк иш кунида товар пулини тўлаш ва 10 кун ичида товарни ишлаб чиқариш корхонасидан юбориш кўрсатиб ўтилган.

#### 2.2. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ нинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлари сифати.

Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сўнг иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида катта имкониятларга эга бўлди. Бу имкониятларни ишга солиш тобора кенг кўлам ва жадал суръат олаётган боис аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини республикамизнинг ўзида чуқур қайта ишлаш, сифатли экологик тоза, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Шу боис ёғ-мой ишлаб чиқариш Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг тармоқ

шаҳобчаси иқтисодиётнинг қадимги тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозир мамлакатимизда пахта чигитдан ёғ ва унинг асосида мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 20 ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторида “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ресурслар чекланган шароитда корхона аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мой ўсимликларидан (чигитдан ташқари) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйган.

Ҳозирга даврда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда маҳсулот сифатини муттасил юксалтириб бориш мамлакат иқтисодий сиёсатини асосий муаммоларидан биридир. Саноат корхоналарида маҳсулот сифатига давлат аттестацияси жорий этилган.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар стандартлар талаби даражасига ишлаб чиқарилмоқда.

Мен битирув малакавий ишимни бажариш жараёнида корхонада қўлланилаётган стандартлар билан танишиб чиқдим. Булардан, пахта чигити шелухаси техник шарти бўлиб, ушбу стандарт техник чигитни қайта ишлаш жараёнида чақиш ва ажратиш усулида олинган пахта чигитининг қобиқ қисмидир.

Пахта чигити шелухаси турли мулкчилик шаклидаги фермерларда қишлоқ хўжалик молларини боқиш учун, озиқавий ксилит ва фурфурол олиш учун хомашё сифатида ва бошқа мақсадларда қўлланилади. Ушбу маҳсулотга қўйиладиган техник талаблар органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткич талабларга мос келиши керак. Биз буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

#### 2.2.1-жадвал

##### Пахта чигити шелухаси сифатига қўйиладиган талаблар

|                   |                                                       |
|-------------------|-------------------------------------------------------|
| Кўрсаткичлар номи | Тавсифлари ва меъёри                                  |
| Ранги             | Кул рангдан жигарранггача                             |
| Ҳиди              | Пахта чигити шелухасига хос димиққиш бегона хидларсиз |

|                                                                                |     |
|--------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Намлик ва учувчи моддаларнинг массавий улуши,%, кўп эмас                       | 14  |
| Хом ёғнинг массавий улуши абсолют куруқ моддага қайта ҳисобланган, %, кўп эмас | 3,0 |

Манба: OzDST 816.2012

Ҳавфсизлик кўрсаткичлари бўйича пахта чигити шелухаси қуйидаги талабларга мос келиши керак.

#### 2.2.2-жадвал

Пахта чигити шелухаси сифатига қўйиладиган талаблар

| Кўрсаткичлар номи                                                                               | Меъёри                    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|
| Металл чиқиндиларнинг массавий улуши:<br>-ўлчами 2mm киритилган ҳолдаги чиқиндилар, %, кўп эмас | 0,01                      |
| -ўлчами 2mm дан кўп ва четки қисми ўткир ва кесувчи чиқиндилар                                  | Мавжуд бўлиши мумкин эмас |
| Чет чиқиндиларнинг массавий улуши (тош, тупроқ ва бошқа), %, кўп эмас                           | 0,2                       |
| Эркин госсиполнинг массавий улуши абсолют куруқ моддага қайта ҳисобланган, %, кўп эмас          | 0,02                      |
| Таксик элементлар миқдори, min (mg/kg) кўп эмас:<br>Қўрғошин                                    | 0,05                      |
| Кадмий                                                                                          | 0,1                       |
| Симоб                                                                                           | 0,02                      |
| Хлорорганик пестицидлар, min (mg/kg) кўп эмас:<br>гексахлорин(изомерлар йиғиндиси)              | 0,2                       |
| ДДТ (изомерлар йиғиндиси ва метаболитлар)                                                       | 0,05                      |
| Гептахлорин ва альдрин                                                                          | Мавжуд бўлиши мумкин эмас |

Манба: OzDST 816.2012

Шунингдек, пахта чигити шелухаси таркибидаги радионуклидлар (радиоактив элементлар) миқдори Бош Давлат ветеринария назорати

органлари томонидан тасдиқланган юқори чегаралар даражасидан ошмаслиги керак.

Пахта чигити шелухаси ёғ-мой саноати корхоналарида OzDSt 596 бўйича техник чигитни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлади.

Пахта чигити шелухаси қадоқланмаган-тўкилган-ҳолда тоза ва қурук транспорт воситаларида истеъмолчиларга жўнатилади. Маҳсулот сифатини тавсифловчи маълумотлар юк ҳужжатида кўрсатилади.

Пахта чигити шелухасининг ҳавфсизлик талаблари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўрсаткичлари қуйидагилар:

|                                                                 |     |
|-----------------------------------------------------------------|-----|
| Туташ ҳарорати $^{\circ}\text{C}$                               | 235 |
| Учқунланиш ҳарорати $^{\circ}\text{C}$                          | 235 |
| Ўз-ўзидан ёниш ҳарорати $^{\circ}\text{C}$                      | 465 |
| Учқунланишнинг қуйи концентрацияланган қиймати, $\text{g/cm}^3$ | 200 |

Ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш учун ГОСТ 12.1.004 талабларини инобатга олиш керак. Ҳамда бино ичидаги ҳавонинг алмашувини таъминлаш учун ГОСТ 12.4.021. талабларига риоя қилиниши керак.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида пахта чигити шелухасини ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 10.07.2012 йилдаги 200-сонли қарорига асосан дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиб борилади.

Пахта чигити шелухасини қабул қилиш қоидалари шундан иборатки, уларни тўп ҳолда, тўпни тортиш билан қабул қилинади.

Пахта чигити шелухасинининг бир тўпи деб, бир корхонада, сифат кўрсаткичлари бир хил, бир санада ишлаб чиқарилган, бир вақтнинг ўзида топширишга мўлжалланган, сифати бўйича бир ҳужжат билан расмийлаштирилган миқдори қабул қилинади.

Пахта чигити шелухасини ҳар бир тўпи маҳсулот сифатини кафолатлайдиган қуйидагилар кўрсатилган ҳужжат билан жўнатилиши керак:

-маҳсулот номи

-тўп массаси

-тўп рақами ва ишлаб чиқарилган сана

-сифат кўрсаткичлари

-транспорт воситасининг номи

**-«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»**

-стандарт белгиси.

Пахта чигити шелухаси барча транспортларда юк ташиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ташилади.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида рафинацияланган пахта ёғи ҳам ишлаб чиқарилади. Биз бу маҳсулотнинг техник шартларини битирув малакавий ишининг иловасида акс эттирдик.

Кейинги вақтларда маҳсулот сифатини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Тайёр маҳсулотлар сифатига таъсир этувчи асосий омиллар орасида дастлабки хом ашё ва материаллар сифатига ҳамда уларга ишлов бериш технологик жараёнига катта эътибор берилмоқда.

Стандартлаш –муайян соҳада манфатдор барча томонларнинг иштирокида уларнинг манфаатини кўзлаш, жумладан, ишлатиш шартлари ва хавфсизлиги техникаси қоидаларига риоя этилган ҳолда янги энг маъқул тежашга эришиш учун фаолиятни тартибга солиш мақсадида қоидалар белгилаш ва уларни қўллашдан иборат. Стандартлаш фан-техника тараққиётининг ютуқларига таянади ва халқ хужалигини ҳозирда эмас, шу билан бирга келажакда ривожланишини белгилайди. Стандартлаш маҳсулот сифатини бошқаришнинг негизи ҳисобланади. ГОСТ га биноан маҳсулотга ишлов беришда маҳсулот ишлаб чиқарилаётганда ва ундан фойдаланилаётганда маҳсулотнинг зарур сифатини белгилаш, уни таъминлаш ва сақлаб туриш маҳсулот сифатини бошқариш ҳисобланади. Бунинг учун сифат муттасил назорат қилиб турилади, маҳсулот сифатига таъсир этувчи шароит ва омилларга собит қадам таъсир этиб борилади. Маҳсулот сифатини бошқариш ишлаб чиқаришнинг бошқаришни ажралмас қисмидир. Сифатни бошқаришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда эҳтиёжни тўлароқ қондириш,

маҳсулот сифатини яхшилаб боришни таъминлаш учун илмий техникавий имкониятлардан фойдаланишдан иборатдир.

Шуни айтиш керакки озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини пасийтирмасдан етказиб бериш ҳозирги куннинг асосий вазифасидир. Озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш маддати харорат, намлик, хавони алмашиб туриши ва ёруғлик нури. Омборнинг санитария гигиения ҳолатига катта эътибор берилади.

Хаво хароратининг таъсири, маҳсулот сақланаётган омборларнинг харорати уларни сақлаш муддатига таъсир қиладиган асосий омиллардан биридир.Чунки, хароратнинг кўтарилиши маҳсулот сифатини бузилишига олиб келади.Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборларнинг харорати шундай бўлиши керакки, унда микроорганизмларнинг ривожланишига шароит бўлмаслик, бундан ташқари уларнинг физик ва кимёвий ҳолатда ҳам ўзгаришлар бўлмасин.

Ҳозир мамлакатимизда пахта чигитидан ёғ ва унинг асосида мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 20 ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда.Шулар қаторида “Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти ҳам фаолият кўрсатмоқда.Ресурслар чекланган шароитда корхона аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мой ўсимликларидан(чигитдан ташқари)маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйган.Биз буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

### 2.2.3-жадвал

“Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг 2013-2014 йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

| Номи                                             | Ўлчов<br>бирлиги | 2013 йил<br>бизнес<br>режа | 2014 йил       |           |         |       | Ўсиш<br>суръати<br>% |
|--------------------------------------------------|------------------|----------------------------|----------------|-----------|---------|-------|----------------------|
|                                                  |                  |                            | Бизнес<br>режа | Ҳақиқатда | +_      | %     |                      |
| 1                                                | 2                | 3                          | 4              | 5         | 6       | 7     | 8                    |
| Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш<br>солиштирма нархда | Минг<br>сўм      | 39871377                   | 36258934       | 40132069  | 3873135 | 110,7 | 100,7                |
| Жами қайта ишланган чигит                        | тн               | 45909                      | 48000          | 44538     | -3462   | 92,8  | 97,0                 |
| Жами қайта ишланган<br>кунгабоқар дони           | тн               | 2807                       | 2400           | 2673      | 273     | 111,4 | 95,2                 |

| 1                                                   | 2  | 3        | 4        | 5        | 6       | 7     | 8     |
|-----------------------------------------------------|----|----------|----------|----------|---------|-------|-------|
| Жами қайта ишланган махсар дони                     | тн | 1830     | 550      | 705      | 155     | 128,2 | 38,5  |
| Жами қора ёғ ишлаб чиқариш                          | тн | 9994     | 9818     | 9394     | -424    | 95,7  | 94,0  |
| Ш.ж пахта қора ёғи ишлаб чиқиш                      | тн | 8476     | 8880     | 8245     | -635    | 92,8  | 97,3  |
| Ш.ж кунгабоқар қора ёғи ишлаб чиқиш                 | тн | 968      | 828      | 927      | 99      | 112,0 | 95,8  |
| Ш.ж масхар қора ёғи ишлаб чиқиш                     | тн | 550      | 110      | 222      | 112     | 201,9 | 40,4  |
| Жами шрот ишлаб чиқариш                             | тн | 22928    | 22812    | 21464    | -1348   | 94,1  | 93,6  |
| Ш.ж шроти ишлаб чиқиш                               | тн | 19970    | 20880    | 19329    | -1551   | 92,6  | 96,8  |
| Ш.ж кунгабоқар шроти ишлаб чиқиш                    | тн | 1778     | 1525     | 1690     | 165     | 110,8 | 95,1  |
| Ш.ж масхар шроти ишлаб чиқиш                        | тн | 1180     | 407      | 445      | 38      | 109,3 | 37,7  |
| Шелуха ишлаб чиқариш                                | тн | 14809    | 15648    | 14490    | -1158   | 92,6  | 97,8  |
| <b>Жами оқланган ёғ ишлаб чиқариш</b>               | тн | 8807     | 8689     | 8340     | -349    | 96,0  | 94,7  |
| Ш.ж пахта оқлаган ёғи                               | тн | 7459     | 7859     | 7322     | -537    | 93,2  | 98,2  |
| Ш.ж кунгабоқар оқлаган ёғи                          | тн | 862      | 733      | 821      | 88      | 112,0 | 95,2  |
| Ш.ж масхар қора ёғи ишлаб чиқиш                     | тн | 486      | 97       | 197      | 100     | 203,3 | 40,6  |
| Техник саломас ишлаб чиқариш                        | тн | 8328     | 6907     | 6080     | -827    | 88,0  | 73,0  |
| глицерин                                            | тн | 606      | 417      | 445      | 28      | 106,7 | 73,4  |
| Техник саломас ёғ кислотаси                         | тн | 7577     | 5315     | 5517     | 202     |       | 72,8  |
| Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш сотув нархларда |    | 34093855 | 32822844 | 34142262 | 1319418 | 104,0 | 100,1 |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти пахта чигити, кунгабоқар дони ва махсар донидан маҳсулот ишлаб чиқаради. Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши солиштира нархларда кўрадиган бўлсак, 2013 йилда бу кўрсаткич 39871377 минг сўмни ташкил қилган 32014 йилга ишлаб чиқаришни 36258934 минг сўмга режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда

40132069 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган ёки режага нисбатан 110,7 % га ўтган йилга нисбатан таққослаганимизда 100,7 % ташкил қилади.

Жами қайта ишланган чигит 45909 тонна 2013 йилда қайта ишланган бўлса, 2014 йилда 48000 тонна қайта ишлаш режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 44538 тонна чигитни қайта ишланган ёки режага нисбатан 3462 тонна кам яъни режа 92,8 % га бажарилган.

Жами қайта ишланган кунгабоқар дони 2013 йилда 2807 тонна қайта ишланган бўлса, 2014 йилга 2400 тонна режалаштирилган, ҳақиқатда бу кўрсаткич 2673 тоннани ташкил қилиб режага нисбатан 111,4 % ташкил қилган.

Жами қайта ишланганмасхар дони кўрсаткичи бўйича ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич 2013 йилда 1830 тоннани ташкил қилган, 2014 йил учун 550 тонна қайта ишлаш режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 705 тонна қайта ишланган яъни режага нисбатан 128,2 % бажарилган.

#### 2.2.4-жадвал

#### “Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг 2013-2014 йилдаги техник чигит бўйича асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили Минг сўм

| Номи                            | Ўлчов<br>бирли<br>ги | 2013 йил<br>бизнес<br>режа | 2014 йил       |               |        |       | Ўсиш<br>суръати<br>% |
|---------------------------------|----------------------|----------------------------|----------------|---------------|--------|-------|----------------------|
|                                 |                      |                            | Бизнес<br>режа | Ҳақиқатд<br>а | +_-    | %     |                      |
| Чигитнинг ёғлилиги              | %                    | 19,49                      | 19,60          | 19,59         |        | -0,01 | 0,10                 |
| Қора ёғни чиқиши                | %                    | 18,46                      | 18,50          | 18,51         |        | 0,01  | 0,05                 |
| Кунжарани чиқиши                | %                    | 43,50                      | 43,50          | 43,40         |        | -0,10 | -0,10                |
| Шелухани чиқиши                 | %                    | 32,26                      | 32,60          | 32,53         |        | -0,07 | 0,28                 |
| Хом ашёни табиий йўқолиши       | %                    | 5,78                       | 5,40           | 5,45          |        | 0,05  | -0,33                |
| Хом ашёни табиий йўқолиши       | тн                   | 1439,1                     | 2592           | 2320,6        | -271,4 | 90    | 161,3                |
| Умумий йўқолиш                  | %                    | 1,10                       | 1,10           | 1,08          |        | -0,02 | -0,02                |
| Умумий йўқолиш                  | тн                   | 293,5                      | 257            | 481           | 223,9  | 187   | 163,9                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши       | %                    | 0,50                       |                | 0,49          |        | 0,49  | -0,01                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши       | тн                   | 132                        |                | 218           | 218,0  | 114,3 | 164,7                |
| Ёғнинг шелухада йўқолиши        | %                    | 0,60                       |                | 0,59          |        | 0,59  | -0,01                |
| Ёғнинг шелухада йўқолиши        | тн                   | 161                        |                | 263           | 263,0  | 137   | 163,3                |
| Кунжарадаги ёғ миқдори          | %                    | 1,14                       |                | 1,12          |        | 1,12  | -0,02                |
| Шелухадаги ёғ миқдори           | %                    | 1,85                       |                | 1,82          |        | 1,82  | -0,03                |
| 1 тн чигитга кетган экс. бензин | кг                   | 5,45                       | 5,10           | 5,12          | 0,0    | 100,4 | 93,9                 |
| Жами сарфланган экс. бензин     | тн                   | 145,1                      | 119,2          | 228           | 108,8  | 191,3 | 157,1                |

Манба: “Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхонада қайта ишланадиган техник чигитни асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чигитнинг ёғлилиги 2013 йилда 19,48 % ташкил этган, 2014 йилда 19,60 % режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 19,59% ташкил этган.

Қора ёғни чиқиши 2013 йилда 18,46 % ташкил этган, 2014 йилда 18,50 % режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 18,51 % ташкил этган. Бу кўрсаткич режага нисбатан 0,01% ортганлигини кўришимиз мумкин.

Чигитдан олинадиган кунжарани чиқиши 2013 йилда 43,50 % ташкил этган бўлса, 2014 йилда 43,50 % ни режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда бу кўрсаткич 43,40 % ташкил этган. Ёки режага нисбатан 0,10 % кам.

Шелухани чиқиши кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, 2013 йилда 32,26 % ташкил қилган 2014 йил бўйича режалаштирилганда бу кўрсаткич 32,60 % га режалаштирилган, ҳақиқатда 32,53 % ташкил этган ёки режалаштирилганга нисбатан 0,07 % кам бажарилган.

## 2.2.5-жадвал

### “Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг 2013-2014 йилдаги кунгабоқар дони бўйича техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

| Номи                                 | Ўлчов бирлиги | 2013 йил бизнес режа | 2014 йил    |           |        |      | Ўсиш суръати % |
|--------------------------------------|---------------|----------------------|-------------|-----------|--------|------|----------------|
|                                      |               |                      | Бизнес режа | Ҳақиқатда | + _    | %    |                |
| Оқланган ёғни чиқиши                 | %             | 88,50                | 88,80       | 88,80     |        | 0,00 | 0,30           |
| соапсток                             | %             | 9,90                 | 9,60        | 9,60      |        | 0,00 | -0,30          |
| Қайтмас йўқолиш                      | %             | 1,60                 | 1,60        | 1,60      |        | 0,00 | 0,00           |
| Каустик сода сарфи 1тн қора ёғ у-н   | кг            | 8,8                  | 8,8         | 8,80      | 0,0    | 100  | 100,0          |
| Қайта ишланган хом ашё кўрсаткичлари |               |                      |             |           |        |      |                |
| Қайта ишланган чигит                 | тн            | 45908                | 38800       | 44433,8   | 5633,8 | 115  | 96,8           |
| ш.ж 1-сорт                           | тн            | 36560                |             | 30160,3   |        |      | 82,5           |
| ш.ж 2-сорт                           | тн            | 3893                 |             | 5317,7    |        |      | 136,6          |
| ш.ж 3-сорт                           | тн            | 2878                 |             | 5110      |        |      | 177,6          |
| ш.ж 2-сорт                           | тн            | 2198                 |             | 3845      |        |      | 175,0          |
| н/с                                  | тн            | 380                  |             |           |        |      | 0,0            |
| Иш вақти баланси                     |               |                      |             |           |        |      |                |
| Ишлаган кун                          | сутк          | 143                  | 121         | 139       | 17,6   | 115  | 96,8           |
| Қувватдан фойдаланиш                 | %             | 39,9                 | 33,7        | 38,6      |        | 4,89 | -1,28          |

Манба: “Учкўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тайёрланди.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида пахта чигитини қайта ишлаш натижасида олинадиган оқланган ёғни чиқиши кўрсаткичи бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, оқланган ёғни чиқиши 2013 йилда 88,80 % ташкил этган. 2014 йил учун 88,80 % режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда бу кўрсаткич сақланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Соапсток 2013 йилда 9,90 % ташкил этган бўлса, 2014 йил режасида ҳам, амалда ҳам 9,90 % ташкил этган. Қайтмас йўқолишлар белгиланган норма 1,60 % миқдорида 2013-2014 йилларда сақланиб қолган.

1 тонна қора ёғни қайта ишлаш учун сарфланадиган каустик сода сарфи 8,8 килограмм бўлиб, шубу норма сақланиб қолган.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятида 2013 йилда 45908 тонна чигитни қайта ишланган бўлса, 2014 йилга 38800 тонна чигитни қайта ишлаш режалаштирилган, ҳақиқатда 44433,8 тонна чигитни қайта ишланган ёки режага нисбатан 5633,8 тонна кўп чигитни қайта ишланган бўлиб режага нисбатан 115% га ортган. Шу жумладан 1-сорт 2013 йилда 36560 тоннани, 2014 йилда 30160,1 тоннани, 2-сорт 2013 йилда 3893 тоннани, 2014 йилда 5317,7 тоннани, 3- сорт 2013 йилда 2878 тоннани, 2014 йилда 5110 тоннани, 4-сорт 2198 тоннани, 2014 йилда 3845 тоннани ташкил қилган.

Корхонада қайта ишланадиган кунгабоқар донини асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кунгабоқарнинг ёғлилиги 2013 йилда

35,56 % ташкил этган, 2014 йилда 36,00 % режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 35,61% ташкил этган.

## 2.2.6-жадвал

### “Учқўргон-ёғ” акциядорлик жамиятининг 2013-2014 йилдаги кунгабоқар дони бўйича асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

| Номи                                   | Ўлчов<br>бирлиги | 2013 йил<br>бизнес<br>режа | 2014 йил       |           |        |       | Ўсиш<br>суръати<br>% |
|----------------------------------------|------------------|----------------------------|----------------|-----------|--------|-------|----------------------|
|                                        |                  |                            | Бизнес<br>режа | Ҳақиқатда | +_-    | %     |                      |
| Кунгабоқар ёғлилиги                    | %                | 35,56                      | 36,00          | 35,61     |        | -0,39 | 0,05                 |
| Қора ёғни чиқиши                       | %                | 34,66                      | 35,00          | 34,70     |        | -0,30 | 0,04                 |
| Кунжарани чиқиши                       | %                | 63,32                      | 59,00          | 63,25     |        | 4,25  | -0,07                |
| Хом ашёни табиий йўқолиши              | %                | 2,02                       | 6,00           | 2,05      |        | -3,95 | 0,03                 |
| Хом ашёни табиий йўқолиши              | тн               | 8,13                       | 160            | 54,8      | -105,6 | 34    | 673,8                |
| Умумий йўқолиш                         | %                | 0,90                       | 1,00           | 0,91      |        | 0,91  | 0,01                 |
| Умумий йўқолиш                         | тн               | 3,62                       | 7,51           | 24,2      | 16,7   | 323   | 669,1                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши              | %                | 0,90                       |                | 0,91      |        | 0,91  | -0,01                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши              | тн               | 3,62                       |                | 23,83     | 23,8   | 7,0   | 658,3                |
| Кунжарадаги ёғ миқдори                 | %                | 1,42                       |                | 1,41      |        | 1,41  | -0,01                |
| 1тн кунгабоқарга кетган<br>экс.бензин  | кг               | 12,16                      | 6,00           | 12,98     | 7,0    | 216,3 | 106,7                |
| Жами сарфланган экс.бензин             | тн               | 4,9                        | 16,8           | 34,7      | 17,8   | 206   | 710,9                |
|                                        |                  |                            |                |           |        |       |                      |
|                                        | <b>рафинация</b> |                            |                |           |        |       |                      |
| Оқланган ёғни чиқиши                   | %                | 88,50                      | 88,50          | 88,53     |        | 0,03  | 0,03                 |
| соапсток                               | %                | 9,60                       | 9,60           | 9,59      |        | -0,01 | -0,01                |
| Қайтмас йўқолиш                        | %                | 1,90                       | 1,90           | 1,90      |        | 0,00  | 0,00                 |
| Каустик сода сарфи 1тн қора ёғ у-<br>н | кг               |                            |                |           |        |       |                      |

Манба: “Учқўргон-ёғ” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тайёрланди

Қора ёғни чиқиши 2013 йилда 34,66 % ташкил этган, 2014 йилда 35,00 % режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 34,70 % ташкил этган. Бу кўрсаткич режага нисбатан 0,30% камайганлигини кўришимиз мумкин.

Кунгабоқардан олинадиган кунжарани чиқиши 2013 йилда 63,32 % ташкил этган бўлса, 2014 йилга 59,00 % ни режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда бу кўрсаткич 63,25 % ташкил этган. Ёки режага нисбатан 4,25 % ортган.

#### 2.2.7-жадвал

### “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамиятининг 2013-2014 йилдаги масхар дони бўйича асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

| Номи                                  | Ўлчов<br>бирли<br>ги | 2013 йил<br>бизнес<br>режа | 2014 йил       |               |        |       | Ўсиш<br>суръати<br>% |
|---------------------------------------|----------------------|----------------------------|----------------|---------------|--------|-------|----------------------|
|                                       |                      |                            | Бизнес<br>режа | Ҳақиқатд<br>а | +_-    | %     |                      |
| Масхар ёғлилиги                       | %                    | 35,56                      | 36,00          | 35,61         |        | -0,39 | 0,05                 |
| Қора ёғни чиқиши                      | %                    | 34,66                      | 35,00          | 34,70         |        | -0,30 | 0,04                 |
| Кунжарани чиқиши                      | %                    | 63,32                      | 59,00          | 63,25         |        | 4,25  | -0,07                |
| Хом ашёни табиий йўқолиши             | %                    | 2,02                       | 6,00           | 2,05          |        | -3,95 | 0,03                 |
| Хом ашёни табиий йўқолиши             | тн                   | 8,13                       | 160            | 54,8          | -105,6 | 34    | 673,8                |
| Умумий йўқолиш                        | %                    | 0,90                       | 1,00           | 0,91          |        | 0,91  | 0,01                 |
| Умумий йўқолиш                        | тн                   | 3,62                       | 7,51           | 24,2          | 16,7   | 323   | 669,1                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши             | %                    | 0,90                       |                | 0,91          |        | 0,91  | -0,01                |
| Ёғнинг кунжарада йўқолиши             | тн                   | 3,62                       |                | 23,83         | 23,8   | 7,0   | 658,3                |
| Кунжарадаги ёғ миқдори                | %                    | 1,42                       |                | 1,41          |        | 1,41  | -0,01                |
| 1тн масхарга кетган экс.бензин        | кг                   | 12,16                      | 6,00           | 12,98         | 7,0    | 216,3 | 106,7                |
| Жами сарфланган экс.бензин            | тн                   | 4,9                        | 16,8           | 34,7          | 17,8   | 206   | 710,9                |
|                                       |                      |                            |                |               |        |       |                      |
|                                       | <b>рафинация</b>     |                            |                |               |        |       |                      |
| Оқланган ёғни чиқиши                  | %                    | 88,50                      | 88,50          | 88,53         |        | 0,03  | 0,03                 |
| соапсток                              | %                    | 9,60                       | 9,60           | 9,59          |        | -0,01 | -0,01                |
| Қайтмас йўқолиш                       | %                    | 1,90                       | 1,90           | 1,90          |        | 0,00  | 0,00                 |
| Каустик сода сарфи 1тн қора ёғ<br>у-н | кг                   | 4,5                        |                | 4,5           |        |       | 100                  |
| Жами кетган сода                      | тн                   | 0,63                       |                | 1,18          |        |       | 188,5                |

Манба: “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тайёрланди

Корхонада қайта ишланадиган масхар донини асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, масхарнинг ёғлилиги 2013 йилда 35,56 % ташкил этган, 2014 йилда 36,00 % режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда 35,61% ташкил этган.

Қора ёғни чиқиши 2013 йилда 34,66 % ташкил этган, 2014 йилда 35,00 % режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 34,70 % ташкил этган. Бу кўрсаткич режага нисбатан 0,30% камайганлигини кўришимиз мумкин.

Масхардан олинадиган кунжарани чиқиши 2013 йилда 63,32 % ташкил этган бўлса, 2014 йилга 59,00 % ни режалаштирилган бўлиб ҳақиқатда бу кўрсаткич 63,25 % ташкил этган. Ёки режага нисбатан 4,25 % ортган.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, кунгабоқар ва масхар донига кўйиладиган техник иқтисодий кўрсаткичлар бир хиллигини юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди.

Ўсимлик мойлари одамнинг овқатида муҳим ўрин тутди. Бу мойлар юқори калорияли бўлиб, киши организмида яхши ҳазм қилинади. Улар озиқ-овқат саноатида ва кулинарияда кенг қўлланилади. Ўсимлик мойлари кунгабоқар, пахта, горчица, мой олинадиган зиғир, каноп, кунжут, кўкнори, думбул жўхори, ёнғоқ, бодом, ловия, ер ёнғоқ, соя, зайтун меваси ва бошқалардан олинади.

Ўсимлик мойлари пресслаш ва экстракция қилиш усули билан ҳосил қилинади. Биринчи усул мойни хомашёдан юқори босим остида механикавий равишда сиқиб чиқаришга асосланган, иккинчиси — баъзи моддалар (бензин, дихлорэтан) ёрдамида ёғни эритиб, шу йўл билан уларни уруғдан чиқариб олишга асосланган. Шунингдек, таркибида ёғ бўлган хомашёга комплекс (комбинациялаштирилган) ишлов бериш (кунжарани пресслагандан сўнг экстракция қилиш) усули ҳам қўлланилади.

Мойлар сифати: ранги, таъми, ҳиди, шаффофлиги, нам миқдори, куйқалилиги ва бошқа кўрсаткичларига қараб баҳоланади. Рафинацияланган мой ҳидсиз ва таъмсиз, шаффоф бўлиши керак. Гидратация қилинган ва рафинацияланмаган мойлар — дастлабки хомашёга хос таъм ва ҳидга эга

бўлиши керак. Олий ва 1-навли мой (қуйқасининг усти) шаффоф бўлиши лозим; 2-навдаги мойнинг бироз хира бўлишига йўл қўйилади.

Мол ёғлари хом ва эритилган турларга бўлинади.

**Хом ёғ.** Сўйиладиган мол турига қараб, хом ёғлар мол ёғи, қўй ёғи ва чўчқа ёғига, мол танасида жойлашишига қараб ички ёғ, тери ости ёғи, суяк ёғи ва думба ёғларига бўлинади.

**Эритилган ёғлар.** Эритилган ёғлар барча турдаги хом, ёғларни эритиш ёки суякларни обдон қайнатиш йўли билан олинади. Хомашё турига қараб, эритилган ёғлар: эритилган мол ёғи, эритилган қўй ёғи; эритилган чўчқа ёғи, суяк ёғи ва йиғма ёғга, сифат жиҳатидан олий ва 1-навга (йиғма ёғ навларга ажратилмайди) бўлинади. Навларга ажратишда уй ҳароратидаги ранги ва консистенцияси, ҳиди, таъми, эритилган ҳолатдаги шаффофлиги, нам миқдори (0,2—0,5%) каби кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

**Маргарин** — рафинацияланган табиий ўсимлик мойи, мол ёғлари, сут ва бошқа моддалар (қанд, туз ва ҳ. к.) аралашмасидан тайёрланган ёғли маҳсулотдир. Маргарин сариёққа ўхшаш бўлиб, зич (қаттиқ) таркибли, ранги оч сариқ, таъми ёқимли, ҳиди хушбўйдир.

*Сливочный маргарин* юқори сифатли мол ёғлари ва ўсимлик мойларидан, сут ёки қаймоқдан 25% дан кам бўлмаган миқдорда албатта сариёғ қўшиб тайёрланади. Сливочнўй маргарин қуйидаги аснавиментда чиқарилади: сливочнўй, шоколаднўй, кофейний, кондитерский, любительский, российский, новўй, новўй шоколаднўй.

*Молочный маргарин* ишлаб чиқаришда ўсимлик мойи, саломас, сут ва мол ёғлари асосий хомашё бўлиб хизмат қилади. У қуйидаги аснавиментда чиқарилади: столовўй, шоколаднўй, кофейнўй, кондитерский, особўй ва экстра.

*Безмолочный маргарин* сутли маргарин қандай хомашёдан тайёрланса, у ҳам шундай хомашёдан тайёрланади, фақат сут ўрнига сув қўшилади.

*Столовый маргарин* — ёғли асоси ўсимлик саломасидан, табиий мойлардан (кокос мойи ва суюқ ўсимлик мойларидан) иборат бўлади.

*Шоколадный маргарин* — ёғли асоси ўсимлик ва хайвон (кит) саломасидан, кокос мойи ва суюқ ўсимлик мойларидан иборат; бу маргаринга 2,5% какао кукуни ва 0,01% ванилин кукуни ва 0,1% ванилик қўшилади. Осон эрийди, какао таъми ва ҳиди келиб туради, консистенцияси бир хил

*Кондитерский маргарини* (сутли ва қаймоқли) ундан тайёрланадиган кандолат маҳсулотларини ёпишда фойдаланилади; чакана савдога чиқарилмайди. Асосан, осон эрувчи ўсимлик ва мол саломасларидан, кокос мойидан иборат. У бўёвчи ва хушбўй қиладиган моддаларсиз чиқарилади.

*Любительский маргарин* бошқа турдаги маргаринлардан фарқи туз миқдори (1,2%) кўплигидадир. Таъми шўр.

*Российский маргарини* таркибида эритилган мол ёғи ва қайнатилган сут бор; у ҳам сливочнўй маргарин рецептураси асосида тайёрланади; навларга ажратилмайдн.

*Особый маргарини* молочнўй столовўй маргаринлари рецептураси асосида тайёрланади. Ёғли асоси ўсимлик саломаси, кунгабоқар мойи, кўпроқ миқдорда кокос мойи (18—20%) ва хушбўйлаштирадиган синтетик моддадан иборат.

*Новый маргаринининг* бошқаларидан фарқи — унинг таркибида сариёғ таркибидаги моддалар бор. Унинг таркибига ёғдан ташқари қаймоғи олинмаган табиий сут ва қуруқ сут, туз, канд, лимон кислотасининг натрийли тузлари ва динатрийфосфат киради.

Барча турдаги маргаринлар сифат жиҳатидан олий ва 1-навга бўлинади. Навларга бўлишда ранги, таъми, ҳиди, ташқи кўриниши ва консистенцияси асос қилиб олинади.

### **2.3. Корхона маҳсулотлари ассортименти ва уларни сотиш усуллари.**

Маълумки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг кўплаб тури пайдо бўлишига, уларнинг маҳсулот ва хизматлар бўлган талаблари ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш юзасидан иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида ўз самарадорлигини исботламоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари кескин ўсиб бориши, шунингдек, жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, —...иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлиши учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим<sup>4</sup>.

Шунинг учун, бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини таъминлаш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий

---

<sup>4</sup> Каримов И.А. — Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир||. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш талаб этилмоқда.

Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Товарлар ассортименти, бу бирон-бир белги ёки белгилар йиғиндиси бўйича бирлаштирилган товарлар тўплами. Товарлар ассортименти саноат товарлари ва савдо товарлари ассортиментида тақсимланади.

Товарлар ассортименти кўрсаткичлари уларни бошқариш стратегияларини белгилаб беради. Улар (стратегиялар) амалда янги товарлар (компания учун янги ёки ҳақиқатда янги товарлар) ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади:

- ☐ ассортиментни чуқурлаштириш (янги товар турлари қўшиш);
- ☐ товарларни модификациялаш (мавжуд маҳсулотларнинг айрим кўрсаткичларини ўзгартириш);
- ☐ товар линиясини «юқорига» ва «пастга» узайтириш (мас равишда қимматроқ ёки арзонроқ сегментда товарлар ёки уларнинг турларини қўшиш);
- ☐ янги товар линиялари қўшиш (боғланган ёки боғланмаган диверсификация).

*Ассортимент таркибидаги товарлар ўзаро алоқаларини таснифлаш*

1. Товарларнинг компания умумий фойдасига қўшадиган ҳиссаси нуктаи назаридан ассортимент таркибида қуйидаги ўзаро алоқалар ажратиб кўрсатилади:

а) асосий ассортимент товарлари ёки етакчи-товарлар — фойданинг асосий қисмини таъминлайдиган товарлар йиғиндиси. Қоидага кўра, етакчи-

товарларга талаб юқори бўлади ва бошқа товарларнинг сотилишига ёрдам беради;

б) қўшимча (йўлдош) ассортимент товарлари ёки қўллаб-қувватлаш товарлари ё тактик товарлар истеъмолчининг бошқа сотувчига мурожаат қилишга мажбур бўлмаслиги учун асосий ассортиментни тўлдириб турадиган маҳсулотларни қамраб олади. Қўшимча ассортимент товарлари орасида истеъмолчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қониқтирувчи товарларни қамраб оладиган, чуқурлаштирилган ассортимент товарлари ажратиб кўрсатилади.

2. Сотувга кесишувчан таъсир нуқтаи назаридан «карвонбоши товарлар» ва «йўлдош товарлар»ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиларини сотиш иккинчиларини сотишга таъсир этади, масалан, фотоаппарат ва фотоплёнка, Херох компанияси ўз вақтида ўз техникаларини сотишдан эмас, балки таъмирлашдан кўпроқ пул ишлаб топарди.

3. Қоидага кўра, арзон, лекин нуфузли ҳам бўлиши мумкин бўлган «чорловчи» товарларни алоҳида кўрсатиш зарур. Уларнинг мавжудлиги бошқа товарлар ассортиментининг сотилишига олиб келадиган «туртки» ҳисобланади. «Чорловчи» товарлар маҳсулот ва дорихона тармоқларида, уяли алоқа салонларида фаол реклама қилинади. Масалан, «Копейка» тармоғи арзон сут ва нонни реклама қилади.

Товарлар ассортиментини оқилона шакллантириш учун товарларни истеъмолчилар талаблари бўйича гуруҳлаш катта аҳамият касб этади, бунда комплекслар таркибига турли гуруҳдаги товарлар киради ва бу каби товарлар таркиб талабни комплексли қондиришга мўлжалланган.

Ҳар қандай стратегияни ишлаб чиқиш корхонанинг бозор шароитларида кун кўриши учун имкон берадиган товар ассортиментини шакллантириш ва баҳолашдан бошланиши лозим.

Мазкур ишни амалга ошириш учун қуйидаги босқичларни ҳисобга олиш лозим:

1. Товар ассортиментини мавжуд технологиялар ва корхона имкониятлари нуқтаи назаридан баҳолаш.

2. Товар ассортиментини ташқи омиллар: товарнинг ҳаётийлик даври, товар асосида ётадиган эҳтиёжлар, танланган товар бозорлари жалб этувчанлигининг таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш.

3. Товар ассортиментини ишлаб чиқариш ва сотишни молиялаштириш манбаларининг вариантларини танлаш нуқтаи назаридан баҳолаш.

***Корхонанинг товар ассортиментини ички омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш***

Товар ассортиментини мавжуд технологиялар ва корхонанинг имкониятлари нуқтаи назаридан баҳолаш. Ушбу баҳолаш корхонанинг мавжуд технологиялари имкониятларидан ишлаб чиқариш ва ташкилий туларда жиддий ўзгаришларсиз энг тўлиқ фойдаланишга асосланади.

Бу мақсаддан келиб чиқиб, корхона фойдаланаётган анъанавий технология қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини бошқа товар бозорларига кенгайтириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади:

- ☐ тўпланган тажриба ва илмий-техник салоҳият;
- ☐ малакали кадрлар мавжудлиги;
- ☐ хомашё материаллари ва бутловчи қисмлар таъминотчилари шаклланган тизими;
- ☐ мавжуд ишлаб чиқариш ва сотув инфратузилмаси.

Корхоналар ассортимент сиёсатини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва уни мақбуллаштириш йўлини муаммосини ҳал этишни назарда тутди. Ассортимент сиёсатининг асосий вазифаси ишлаб чиқариш бўлиммасидаги ишлаб чиқариш тузилмаларини аниқлаш ҳисобланади:

\*янги маҳсулот билан такомиллаштириш ва замонавийлаштириш талаб этиладиган маҳсулот, такомиллаштиришни талаб этмайдиган анъанавий маҳсулот, эскирган маҳсулот ўртасидаги нисбат(улуш)ни аниқлаш.

\*ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва наменклатураси ва режалаштирилган сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларини белгилаш;

\*ишлаб чиқарилаётган битта бир хил маҳсулот андозаларини ва ўзгарган турларини аниқлаш;

\*ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг барча номенклатураси бўйича ҳаётий даври таркибларини ва ассортиментни янгилаш истиқболларини аниқлаш;

\*маҳсулотнинг табақаланиши даражасини ва янги мавжуд маҳсулотлар технологик умумийлиги даражасини аниқлаш.

## **III-БОБ. “УЧҚЎРҒОН-ЁҒ” ОАЖДА МАҲСУЛОТЛАР АССОРТИМЕНТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШНИ ЎРГАНИШ.**

### **3.1. Корхонада товар ассортименти кўпайтириш омиллари.**

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлиши учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим”<sup>5</sup>.

Шунинг учун, бугунги кунда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини таъминлаш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш талаб этилмоқда.

Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ассортименти кенгайтириш ва диверсификация қилиш, мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, мамлакатнинг иқтисодий ва озиқ-овқат дастурини амалга оширишга улкан хисса қўшиб келмоқда.

---

<sup>5</sup>Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

Корхонанинг асосий мақсади- ҳам ички ҳам ташқи бозорларда истеъмолчилар талабларини қондирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, бунга эришиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг ассортименти кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини ўз вақтида техник қайта жиҳозлаш ва автоматлаштириш, оқилона инвестиция ва нарх-наво сиёсатини юритиш ишларини доимий равишда амалга ошириш зарур.

Ҳеч кимга сир эмаски, пахта ёғи – Ўзбекистонда анъанавий тарзда кенг фойдаланиладиган маҳсулот ҳисобланади. Ўзбек миллий таоми- айнан ушбу ёғда тайёрланади. Бошқа ўсимлик ёғидан фойдаланган ҳолда тайёрланган ошга қараганда анча мазали бўлади. Қолаверса пахта ёғи бошқа ўсимлик ёғига қараганда нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради.

Маълумки бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг турлари ва ҳажми рақобат, бозор талаби ва тақлифидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Шу нуқтаи назардан, корхонада маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий бўғинидир.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги маркетинг, бозордаги нарх-наво, маҳсулот турлари ва истеъмолчиларнинг мақсад ва истаклар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, корхонанинг хомашёга бўлган талабини ўрганиш, маҳсулот стратегиясини ишлаб чиқиш, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари (ассортименти)ни кўпайтириш ва бошқа истеъмол бозори билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш лозим.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи завод ҳисобланади. Корхонанинг биринчи даражали маҳсулот профили белгиланган: завод ишлаб чиқариши мумкин бўлган барча маҳсулот турлари рўйхати тасдиқланган. Уларнинг максимал рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда муайян маҳсулотлар ишлаб чиқаришда устуворликлар белгиланган. Биринчи даражадаги профилни гуруҳларга ажратиш йўли билан иккинчи

даражадаги маҳсулот профили белгиланган. Дифференциация анъанавий тарзда қабул қилинганидек, маҳсулот турларининг бир хиллиги бўйича эмас, балки маҳсулот чиқариш шакли, яъни ўрови бўйича ўтказилган. Бундай ёндашув истеъмол тузилиши таҳлили ва аниқланган омиллар билан асосланади:

А. Мижозлар орасида яққол ифодаланган афзал кўришлар мавжуд бўлиб, кўпроқ қадоқланган ёки ўлчанган маҳсулот харид қилишда намоён бўлади.




Б. Бу сегментлар билан ишлаш ўзига хосликларга эга.

В. Қадоқланган маҳсулот истеъмолчилари муайян маҳсулот турига эмас, балки тўлиқ агрегацияланган ассортиментга эътибор қаратади.

Г. Ўлчанган маҳсулот истеъмолчилари бир хил товар тўпламини барқарор сотиб олади.

3.1.1-жадвал

### Умумий таҳлил

| Маҳсулот гуруҳи                                                                                | Бозордаги ҳолати («ўсиш-бозор улуши» матрицаси )                                    | Товар гуруҳининг молиявий аҳамияти                                                  | Рақобатбар-дошлик                                                                    | ... | Умумий тавсиялар             |
|------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-----|------------------------------|
| <br>А гуруҳ |  |                                                                                     |  |     | Ривожланишга инвестициялаш   |
| Б гуруҳ                                                                                        |  |  |                                                                                      | ... | Ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш |
| ...                                                                                            | ...                                                                                 | ...                                                                                 | ...                                                                                  | ... | ...                          |

Маъқул

Ёмон / рентабелсиз



Яхши/ рентабелли



Корхонанинг мавжуд ассортименти товар гуруҳлари бўйича қайси стратегияни қабул қилиш ҳақидаги қарорларни «Делойт ва Туш» компанияси таклиф қилган жадвал кўринишида тақдим этиш энг қулай (1-жадвал).

Ҳисобга олинadиган омиллар сони кўпроқ бўлиши мумкин: рақобатбардошлик, ишлаб чиқариш чекловлари, технологик хусусиятлар, тўпланган тажрибалар ва ҳ.к. Ҳар бир товар гуруҳи таклиф этилган шкала бўйича баҳоланади ва шу асосда ассортимент сиёсати бўйича тавсиялар шакллантирилади.

Ассортиментни бир нечта тоифа бўйича интеграл таҳлилнинг яна битта кизиқарли услубияти бор. Ташқаридан у портфелли таҳлилга ўхшайди, бироқ бирданига ҳам бозор, ҳам ички фирма мезонларини ҳисобга олади.

Мавжуд ассортиментни рационаллаштиришда қуйидагилар кўзда тутилади:

- талаб мавжуд бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ёки сотув чекланган маҳсулотлар ҳажмини камайтириш;
- истеъмолчилар талаби юқори бўлган маҳсулот чиқаришни ошириш;
- муайян ассортимент чиқариш режаларини ишлаб чиқиш;
- истеъмолчиларнинг сўровларини ҳисобга олган ҳолда конструктор, технолог, дизайнерларга янги маҳсулот ассортименти ишлаб чиқишга топшириқлар бериш;
- айрим маҳсулот турларининг хусусиятларини кўрсатган ҳолда барча маҳсулотлар ассортиментида ишлаб чиқилadиган жамғарма картотекани шакллантириш;
- конъюнктура шарҳлари тузиш;
- улгуржи ярмаркаларда намоиш этиш учун маҳсулотларнинг саноат коллекцияларини шакллантириш.

### **3.2. Корхонада халқаро сифатни бошқариш имкониятлари.**

Ҳазирги кунда, айниқса, бозор муносабатлар шароитларида барча корхона ва ташкилотларга ташқи бозорга мустақил чиқиш учун имкониятлар тақдим этилган бир пайтда улар ўз маҳсулотларининг сифати ва ишончлилигини баҳолаш муаммосига дуч келмақда.

Халқаро тажрибалардан маълумки, маҳсулотнинг меъёрий техник ҳужжатлар талабларига мослигини кафолатлочи восита сертификация ҳисобланади.

Сертификация бу- маҳсулотнинг белгиланган барча талабларга, муайян стандартларга ёки техник шартларга мослигини ҳужжат билан тасдиқлашдир.

Бозор иқтисодиёти шароитларида мамлакатимизда ҳам маҳсулот сертификациясидан фойдаланиш қуйидаги афзалликларга эга:

- ички ва ташқи истеъмолчиларнинг маҳсулот сифатига ишонч таъминланади;
- истеъмолчиларга зарур бўлган маҳсулотни танлашни осонлаштиради;
- истеъмолчининг маҳсулот сифати ҳақида ҳолисона ахборот олиши таъминланади;
- мамлакат экспорт қиладиган маҳсулотлари ҳажми кўпаяди;
- ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник даражасини оширишга хизмат қилади.

Маҳсулот сартификация тизимини турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Маҳсулот сертификацияси халқаро тизими жаҳоннинг исталаган минтақаларида жойлашган турли мамлакатлар миқёсида халқаро ҳукумат ташкилотлари томонидан яратилади.

Сертификация органи ўз фаолиятини синов лабораторияси маълумотларига асосланган ҳолда юритади. Синов лабораторияси эса муайян маҳсулотни синаб кўради ва синов натижалари кўрсатилган далолатномаларини тақдим этади.

**Кенг тарқалган сертификация тизимларининг асосий белгилар  
бўйича таснифланиши**

| <b>Тасниф белгиси</b>                                            | <b>Маҳсулот сертификация тизими</b> |
|------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|
| Томонларнинг манфаатдорлиги                                      | Миллий<br>Минтақавий<br>Халқаро     |
| Ҳуқуқий мақоми                                                   | Миллий<br>Минтақавий<br>Мустақил    |
| Сертификация жараёнини бажаришда четдан ташкилотларнинг иштироки | Учинчи томон                        |

**Манба: талаба ишланмаси**

Сифат тизими сертификациясини ўтказиш жараёнида иккита босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сифат тизимини олдиндан текшириш ва баҳолаш;
- якуний текширув, баҳолаш ва корхона сифат тизимининг мос келувчи стандартга мослигини тасдиқловчи сертификат бериш.

**Сифат тизимини баҳолаш босқичлари**

| <b>Ишлар таркиби</b>                                                          | <b>Бажарувчи</b>             |
|-------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|
| <b>Сифат тизимини олдиндан текшириш ва баҳолаш босқичи</b>                    |                              |
| Сифат тизими ва унинг ҳужжатларини сертификацияга тайёрлаш                    | Корхона                      |
| Сифат тизимини сертификатлашга буюртма                                        | Корхона                      |
| Сифат тизимини олдиндан текшириш ва баҳолаш                                   | Сертификация органи          |
| Сифат тизими сертификациясини ўтказиш бўйича шартнома тузиш                   | Корхона, сертификация органи |
| <b>Сифат тизимини якуний текшириш ва баҳолаш босқичи</b>                      |                              |
| Сифат тизимини якуний текширувга тайёрлаш                                     | Корхона                      |
| Сифат тизимини якуний текшириш дастурини ишлаб чиқиш                          | Сертификация органи          |
| Корхона сифат тизимини текширишни ташкил этиш бўйича мажлис ўтказиш           | Корхона, сертификация органи |
| Сифат тизими текширувини ўтказиш                                              | Корхона, сертификация органи |
| Якуний мажлис учун текширув натижалари бўйича хулоса тайёрлаш                 | сертификация органи          |
| Якуний мажлис ўтказиш                                                         | Корхона, сертификация органи |
| Корхонада сифат тизими текширувини ўтказиш тўғрисида ҳисобот тузиш ва жўнатиш | сертификация органи          |
| Сифат тизими сертификатини расмийлаштириш, қайд этиш ва топшириш              | сертификация органи          |

**Манба: Талаба ишланмаси**

Бу босқичларда ҳар бирида маълум бир ишлар бажарилади.

Дастлабки босқич натижаларига кўра сертификация органи тузувчи хулосада корхонанинг сифат тизими сертификациясини ўтказишнинг иккинчи босқичига тайёргарлиги ваа унинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилади. Ижобий хулоса чиқарилганда иккинчи босқични ўтказиш муддатлари белгиланади. Агар иккинчи босқичда сифат тизимининг стандартларга мос келмаслиги аниқлашса, бу ҳолда корхона билан биргаликда камчиликни тузатиш ва қайта текширувдан ўтказиш муддатлари белгиланади. Ижобий қарор қабул қилинган ҳолда белгиланган муддатга сертификат берилади.

Сифатнинг бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишда корхона стандартлари асос қилиб олинади. Корхона стандартлари давлат, соҳа ва соҳалараро миқёсдаги стандартларга асосланади.

Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни янги техника, энг илғор технологияларни ишлаб чиқишга жорий этиш орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон маҳсулотларини ишлаб чиқишда ва бу маҳсулотларни дунё бозорига олшиб чиқишда ёрдам берувчи халқаро ташкилотлар мавжуд:

ИСО- халқаро стандартлаш ташкилоти

МЭК- халқаро техник корхонаси

МИК- халқаро марказий банк

АСМО- стандартлаштириш ва метрология бўйича араб мамлакатлари ташкилоти

КОПАНТ-Жанубий Америка стандартлаштириш қўмитаси.

Корхонада маҳсулот сифатини ошириш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

### **3.3. Корхонада товарларни сотиш усуллари тақомиллаштириш**

Саноат корхоналарида иқтисодий-хўжалик фаолиятининг асосий масалаларидан бири корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва

яратилган хизматларни сотилиши масалаласидир. Саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда турли усуллардан фойдаланилади. “Учқўрғонёғ” акциядорлик жамияти озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона бўлганлиги ва узоқ вақт давомида деярли бир хил маҳсулотларни ишлаб чиқарганлиги сабабли бу корхонада сотишнинг бир хил усули қўлланилади. Корхонанинг асосий маҳсулоти ҳисобланган ёғ маҳсулотларини товар-хом ашё биржаси орқали сотилади.

Айниқса, ҳозир шароитда озиқ-овқат товарларининг ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олиш муҳимдир.

Озиқ-овқат товарлари савдоси самарадорлигини оширишда инфратузилмаларни ўрни катта.

Инфратузилмаларни такомиллаштириб бориш учун:

- инвестиция фаолиятини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш;
- эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш тараққиётини такомиллаштириш ва давлат томонидан белгиланган вазифаларни тўғри, самарали бажариш;

-ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Озиқ-овқат саноати корхоналарини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш маҳаллий бошқарув тизимларини такомиллаштириш муаммолари билан боғлиқдир.

Интернет орқали савдо қилиш ҳозирги пайтда замонавий савдо қилиш тури ҳисобланади. Жуда кўп фирмалар интернетда маҳсулотларини таклиф қиладилар. Истеъмолчилар ўзларига керакли маҳсулотни ўзларининг компютери орқали буюртма бериб сотиб олишлари мумкин. Интернет орқали савдонинг устунлик томонлари бу биринчидан, вақт тежалади, иккинчидан воситачиларсиз тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан олиш имконияти пайдо бўлади.

Тўғри маркетинг – бу харидор билан турли воситалар билан тўғридан-тўғри мулоқот бўлиб, харидорни махсулотни сотиб олишга ишонтиришдан иборатдир.

Франчайзинг – бу савдо қилиш усулининг замонавий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Бунда франчайзинг фирмаси франчайзер фирмасининг товар маркаси, номаланиши, ва рекламасидан фойдаланиб, товарни ишлаб чиқариш, таксимланиши, сотиш ва таклиф этилишида бевосита катнашади. АКШда чакана савдонинг 50 % қисми франчайзинг тизими орқали амалга оширилади.

Савдонинг илғор усулларида бири савдо автоматлари орқали савдо қилиш ҳисобланади. Савдо автоматлари савдонинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди, яъни савдода истеъмол харажатларини камайтириш, истеъмолчи ҳукмрон бўлган шароитда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги шароитда замонавий дизайнга эга бўлган савдо автоматларидан фойдаланиш муҳим масала ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда товарларни сотишда қўлланилаётган қуйидаги илғор усуллардан мамлакатимиз савдо корхоналари ва ташкилотларида фойдаланиш мумкин:

- чакана савдо корхоналарининг намоиш залида туширилган нархларда каталоглар бўйича ноозиқ-овқат товарларини сотиш;

- шаҳар марказида жойлашган ва кичик савдо майдонига қатъий интерьер, унча кўп бўлмаган ходимларга эга бўлган чакана савдо корхоналарида нархи туширилган чекланган ассортиментдаги товарлар билан савдо қилиш;

- “қулай дўконлар”, чекланган ассортиментдаги товарлар асосан янги озиқ-овқат махсулотлари билан савдо қилувчи ҳамда харидорларга бутун кун мобайнида хизмат кўрсатадиган савдо корхоналарида сотиш.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда савдо соҳасини ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти ривожининг муҳим масалаларидан биридир. Ушбу долзарб масаланинг

ечими бўйича амалга оширилган битирув малакавий ишида озиқ-овқат товарлари савдоси соҳасини ривожланишида маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш билан бирга чакана савдо хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолияти ҳар томонлама ўрганилди, таҳлил қилинди ва такомиллаштириш йўналишлари аниқланди. Жумладан, Туманда озиқ-овқат савдоси тармоқларини ривожлантириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида савдо ташкилотларининг самарасини орттириш учун улардаги стратегик маркетинг фаолиятини такомиллаштириш талаб этилади. Стратегик маркетинг ва бошқарув масаласини ҳар томонлама кўриб чиқиш мақсадида, аввало, чакана савдо соҳаси ичидаги ва ташқарисидаги асосий муаммоларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Ҳар қандай ташкилот муваффақиятга эришиш учун ўзининг ички ўзгарувчиларини ва унга таъсир этувчи ташқи таъсир омилларини ҳисобга олиши бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади.

2. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида чакана савдо хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларида, бизнесни бошқариш масалалари бобида, фақатгина фойдага эришиш мақсадлари билангина чекланиб қолишлари мумкин эмас. Бу нарса уларнинг самарадорлигининг ортишига имкон бермайди. Шу сабабдан бу соҳа корхона ва ташкилотларининг узоқ муддатли маркетинг ва сотиш стратегияларини ишлаб чиқишда корхонанинг жамият олдидаги бурчлари ҳисобга олиниши таклиф қилинади. Чакана савдо корхоналари ижтимоий масъулиятни қабул қилишлари лозим.

3. Озиқ-овқат савдоси корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари кенгаши доирасида уларнинг стратегияларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Корпоратив фуқаролик тамойиллари ва энг муҳим ижтимоий лойиҳаларни ҳисобга олиб стратегик режаларни доимий равишда таҳлил қилиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Стратегик режаларнинг бажарилиши учун уларни қисқа муддатларда ва атрофлича ўрганиб чиқиш ва таҳлил

қилиб бориш керак. Бундай таҳлил чакана савдо хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшади.

4. Озиқ-овқат савдоси корхона ва ташкилотларининг фаолиятларида стратегик режалаштириш катта аҳамиятга эгадир. Амалиёт шундан далолат бериб турибдики, узоқ муддатли стратегик режаларга корпоратив фуқаролик тамойилларини жорий этиш бизнесдаги фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича шу бизнес равнақининг мақсад ва кўрсаткичларини аниқ равшан белгилаб олишга имкон беради.

5. Чакана савдо соҳасидаги стратегик бошқарув самарали тарзда амалга оширилиши учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида, савдо корхоналари ва ташкилотларининг маркетинг бўлими томонидан, ҳар кварталга сотилиши кутилаётган маҳсулот турлари ва миқдорлари бўйича режа тузилиши лозим.

Бундан ташқари ҳудудларда савдо корхонаси чакана товар айланмасини режалаштиришни корхонанинг зарарсиз ишлашини таъминаши мумкин бўлган минимал товар айланмасини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бундай товар айланмаси ҳажми критик товар айланмаси деб аталади. Ушбу ҳажмни аниқлаш бўйича барча ҳисоб-китоблар корхонанинг зарарсизлик нуқтасини аниқлашга олиб келади.

Савдо корхоналарида товар айланмаси таркибини босқичма-босқич ҳисоблаш усулида барча товарлар массасини бир қатор товар гуруҳларига тақсимлаш зарурати юзага келади. Бу гуруҳларга сифати, биологик хусусияти, истеъмол қилиш усули, эҳтиёжларни қондириш даражаси бўйича ўхшаш ҳамда бир-бирини тўлдирувчи товарларни бирлаштириш лозим.

Тадқиқот натижасида олинган бу таклифларни амалга оширилиши мамлакатимизда Учқўрғон туманида хусусан, "Учқўрғон-ёғ" ОАЖнинг чакана савдосини ривожлантиришга ҳамда уни мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга қўшадиган ҳиссасини оширишга олиб боради.

## Хулоса

Иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мамлакатимиз иқтисодиётига ва унинг корхоналарига иқтисодий фаолиятни янада ивожлантиришни талаб қилмоқда. Бунга саноат корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва унинг самарасини орттириш орқали эришиш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар ва “Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти иқтисодий-хўжалик фаолиятининг таҳлили ундаги маркетинг фаолиятини янада ривожлантириш лозимлигини кўрсатди. Шу сабабли, битирув-малакавий ишида қуйидаги муҳим йўналишларни ишлаб чиқдик.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти доимий равишда ривожланиб бораётган корхона бўлиб, фаолият кўрсатаётган вақтдан бошлаб ҳозирги кунгача ишлаб чиқаришни яхшилаш, сифатли, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, маҳсулот ассортиментини янада кенгайтириш мақсадида ўзининг технологик ва ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириши керак.

“Учқўрғон-ёғ” акциядорлик жамияти маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида амалга оширилаётган иш натижаларини ўрганиб қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди:

- Мамлакатда қарор топаётган янги ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчиларнинг манфаатларини уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мана шу вазифани амалга оширишда маркетингнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, саноат корхоналарида экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон

халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

- Ҳозирги шароитда корхоналарни реал бошқариш учун ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш жараёни мониторингини олиб бориш, технологик жараёнлар бажарилаётганлиги, ишчи ўринларининг тўлдирилиши, моддий ва пул маблағлари ҳаракати, иш вақтининг тўғри сарфланиши, моддий заҳиралар, тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги зарурдир. Бу, ўз навбатида корхонадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имкониятини беради ва корхона шубҳасиз муваффақиятга эришади.

- . Иқтисодиётда рақобат ва рақобатбардошлик муносабатлари ривожланиши учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини рақобатчи корхоналар билан солиштирган ҳолда, бозордан ўзининг ўрнини топиши ва барқарор фаолият юритиши шу кун талабларидан келиб чиқади.

- 4. Маркетинг тадқиқотлари асосини, уни аниқ бир мақсадга қаратилганлиги, тўқимачилик соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва сотишни бир тизим сифатида талқин этилганлиги ташкил этади, шу билан бир қаторда бошқаришга инновацион маркетинг элементларини татбиқ этиш катта самара беради.

- Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспортни кенгайтириш, мавжуд заҳиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ҳамда халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Биз юқорида кўрсатиб ўтган муаммо ва таклифлар корхоналари иш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш содир бўлиб, вилоят ва умуман республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалри.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент «Ўзбекистон» 2002 й.
2. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2003 йил 11 декабр.
3. “Валютани тартибга солиш тўғрисида” (янги тахрир) 2003 йил 11 декабр
4. “Хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 август № ПФ-3305
5. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июн
6. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июн
7. “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 13 ноябр № 390
8. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” 2005 йил 15 июн
9. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва усуллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 2009 й
10. Мамлакатимизни модернизацияқилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. — Президент Ислам Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ .

11. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо етишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр .

**12. 2015-йил иқтисодий-тимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация, диверсификация жараёнларини изчи давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш устивор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2015 йил 18 январ**

## **2. Дарсликлар ва монографиялар**

13. А.Солиев. Маркетинг. Дарслик. Тошкент 2010.

14. А.Солиев “Маркетинг бозоршунослик” Тошкент 2008 йил.

15. Роберт Каплан, Дейвид Нортон: "Организация, ориентированная на стратегию" Москва, 2004.

16. Майкл Портер, Джеффри Сампер, «Курс МВА по стратегическому менеджменту» Москва, 2002.

17. В.А. Спивак, «Корпоративная культура», Изд. «ПИТЕР», С-Петербург, Москва, Харьков, Минск, 2001г., С. 174-175.

18. Капиталистическое управление: уроки 80-х. Под ред. А.А. Дашкина. - М.: Экономика, 1991. С. 37.

19. М.Тошниеъзов, И.Шарифбоев, О.Обидов, «Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари», Т.: «Ўзбекистон», 1995 й., 1 13-бет.
20. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, «Менежмент», Дарслик, ТМИ, Тошкент, Т.: «Ўқитувчи», 2001й., 187-бет.
21. Мескон М., Алберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М., 1996.
22. Р.Т. Де Джордж, «Деловая этика», Том1., Перевод с английского Р.И.Столпера, Институт «Экономическая школа», Изд. Группа «Прогресс», Санкт-Петербург-Москва, 2001 г., С. 226.
23. Ролз Дж. Теория справедливости. Новосибирск, 1995.
24. Темур тузуклари, Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 й., 24-25-бет.
25. Болтабоев М. Тўқимачилик корхоналарини маркетинг тамойиллари асосида бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш Т. 2006 й. 127-1956
26. Исроилов Б.Н "Назорат ва таҳлил" солиқ тўловлари- Т. 2004. №3. 10-11 б.
27. Ергашев Э. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Дарслик. Т. Молия 2005. 5-10 б.
28. Каримов Е.А. "Корхона молиявий ҳолатини таҳлили" Тошкент молия. 2003. 160-199 б.
29. Йўлдошев Н.Қ. "Савдони ташкил этиш ва бошқариш" фанидан маърузалр матни Т.Д.И.У. 2006Й 4-5 бетлар
30. Роберт Каплан, "Организация ориентированная на стратегию" 2004 йил, 36 бет
- 31.Ф. Котлер. Маркетинг в третьем тысячелети 2001. 34-366.

### **3. Илмий мақолалар**

32. Исроилов Б. И. Назорат ва таҳлил. Солиқ тўловчининг журнали 2004. й 93 б.
- 33.Эшов М. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги асосий ўзгаришлар. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.1999 №1-2

### **4. Статистик тўпламлар**

34. Учқўрғон Статистика бошқармаси маълумотлари 2011-2013 йй.
35. “Учқўрғон-ёғ” ОАЖ ҳисобот маълумотлари 2011-2013 йй.

### **5. Веб сайтлар**

45. [www.маркетинг.спб.ру](http://www.маркетинг.спб.ру)
46. [www.4п.ру](http://www.4п.ру)

47. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)